SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 20-MART ■ PAYSHANBA ■ 35-36 (27.056) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.



Иқтидорли ёшлар — МИЛЛАТ ғурури, МАМЛАКАТ таянчи

Ҳар баҳор истеъдод гулзоридан 14 ғунча сараланади. Улар Зулфияхонимнинг зукко қизлари. Улар ўзбек қизларининг бугунги овози, эртаси, умиди, таянчи бўлмиш дилбар шоира, қўли гул зардўз, сеҳрли санъат соҳибаси, бўлғуси олима, хушовоз хонандалар.

***Гулруҳ Мухторова** — Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейининг ўқувчиси. У фан йўналиши бўйича 2003 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.*

Гулруҳни 2000-2002 йилларда «Мўъжизасиз мўъжизалар кечаси», «Ҳудудий материаллар ва экология», «Кимё фанида синфдан ташқари ўйинлар», «Анорганик кимёдан тест саволлари» каби рисолалари чоп этилган. Изланувчан истеъдод соҳибаси мураккаб ва машаққатли кимё фанининг янги-янги қирраларини очиш устида иш олиб бормоқда. Унинг илмий кузатишлари таълим жараёнларига жорий этишга тавсия қилинган.

У бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Шоиранинг шеърлари ўзининг жозибадорлиги, ранг-баранг ташбеҳларга бойлиги билан ажралиб туради. У она диёримиз Ўзбекистонни улуғлайди. Ватанга садоқатини шеърларида бадиий буёқлар ёрдамида ифода этади. Унинг илк шеърий гулдастаси «Жон ичра жонимсан Ватан» номи билан нашр этилган.

— Мен она табиатни, унинг мислсиз мўъжизаларини яхши кўраман. Атрофдаги оламни асраш, авайлаш ҳақида ўйлайман, — дейди у. — Орзуим келажакда кимё, экология фанлари бўйича мутахассис бўлиш. Эришган ютуқларимда устозим, Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокировнинг хизматлари катта.

Бутун миллат ўз йўлбошчиси раҳбарлигида баркамол авлод орзуси билан яшамоқда. Гулчеҳрага ухшаган ёшларимиз ана шу орзуимиз рўёбга чиқаётганидан нишонадир.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Долзарб масалага бағишланди

Бу йил мамлакатимизда баҳор анча серёғин келиши кутиляпти. Юртимиз тоғли ҳудудларида тошқин, сел, кўчки каби кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши эҳтимоли мавжуд. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси 7 март куни «Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ тузилган тошқин ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олишни таъминлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Фавқулодда вазиятлар вазири Б.Субанов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Бошгидромет» бошқармаси бошлиғи В.Чуб, Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси раиси Н.Аҳмедов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Ўтган йилнинг декабри ҳамда жорий йил январь-март ойлари мобайнида мамлакатимизда ёғин миқдори меъёрдагидан анча ортиқ бўлди. Бу эса, «Бошгидромет» бошқармаси тахминларига кўра, баҳор-ёз ойларида кўпгина дарё-сойларда тошқин ва сел оқимларини, қор кўчкиси каби ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳозирги кунга қадар тоғ ва тоғолди ҳудудларида ўндан кўпроқ кўчки кузатилди.

«Бошгидромет» бошқармаси маълумотларига қараганда, апрель-май ойларида кўп миқдорда ёмғир ва жала ёғиши ҳамда тоғ чўққиларидаги қорнинг тез эриши эҳтимолдан холи эмас. Тоғолди ҳудудларида сел оқими кузатилиши мумкин. Бу эса барча сув омборларида зарур миқдорда заҳира учун жой қолдиришни талаб этади.

Йиғилишда бир қанча вилоятларда тоғолди ҳудудлари, дарё ва сойлар бўйида ҳамда шунга ўхшаш хавфли зоналарда айрим фуқароларнинг рухсатсиз равишда турли иморатлар қураётгани, ердан қонунга зид равишда фойдаланаётгани билан боғлиқ ҳолатлар мавжудлигига эътибор қаратилди. Бундай ҳолларга зудлик билан барҳам бериш, фуқароларни хавфсиз жойларга вақтинча ёки доимий кўчириш, фавқулодда вазиятлар ҳақида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш зарурлиги уқтирилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари Р.Юнусов ва Н.Юсупов иштирок этди.

(ЎзА)

«ЎзДЭУавто»нинг ҚАНОТИ

Фарғона шаҳридаги «Автоойна» акциядорлик жамиятида автомобиль ойнаси ишлаб чиқарила бошланди.

Корхонада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг «Нексия», «Тико», «Дамас», «Матиз» автомобиллари учун йилига икки юз минг комплект ойна тайёрлаб берилади.

Шу пайтгача Асакада ишлаб чиқарилётган автомобиль ойналари учун керакли бўлган маҳсулот Ҳиндистондаги «Асахи глаз» ва Жанубий Кореядаги «Ханг глаз» корхоналаридан келтирилар эди. Янги ишлаб чиқариш тармоғи ўзбек автомобилларини ойналар билан таъминлаб қолмасдан, маҳсулот таннархини арзонлатиш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берди. Корхонага хомашёни Қувасойдаги «Кварц» ҳиссадорлик жамияти етказиб бермоқда.

Италиянинг «Национал Де Ловоро» банки берган 19,3 миллион АҚШ долларлик кредит ҳисобига Швейцария, Финландия, Италия сингари автосаноати ривожланган мамлакатлардан замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олинди. Корхонада меҳнат қилаётган 364 нафар маҳаллий ёшларнинг бир гуруҳи хориждаги турдош корхоналарда малака ошириб қайтади.

Р.КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Чинакам тадбиркорлик туйғуси ёки олиб-сотарликнинг иқтисодий хавфи

Фақат олиб-сотарлик билан кифояланса, қачон ўз маҳсулотимизга эга бўламиз? Ёшларимиз ҳам шу йўлдан кетаверса, эртага нима бўлади? Замонавий техникаларни ким кашф қилади, ким бошқаради? Миллат ғурури, иқтисодий онг ва тафаккур қандай шаклланади? Тошкент Молия институти кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Тошболта ЖЎРАЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Тошболта Тўхтаевич, хабарингиз бор, ҳозир четдан республикамизга олиб кирилаётган сифатсиз маҳсулотлар оқимини тўхтатиш учун жиддий чоралар кўрилаяпти. Бу ишлар энг аввало истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоялаш, уни алданиб, беҳуда харажатга тушиб қолмаслиги учун қилинаяпти. Аммо бу жараённи биров тўғри тушунса, кимлардир «тадбиркор»лар ҳуқуқи паймол бўлаяпти, эркин тижоратга йўл берилмаяпти», деган маънода норози бўлишаяпти.

Сиз иқтисодчи олим сифатида тадбиркорлик билан олиб-сотарликнинг фарқи ҳақида тўхталсангиз.

— Бу саволга жавоб бериш учун бироз ортга қайтишга тўғри келади. Аниқроғи, бундан 10 йил илгариги аҳволимизни кўз ўнгимизга келтирайлик. Иқтисодиётимиз қанақа ҳолатда эди? Оддий миҳдан тортиб машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дон, нефтгача собиқ марказга қарам эдик. Ўзгаларга тобе бўлган, издан чиққан ва хомашё етиштиришга ихтисослашган иқтисодиёт бизга мерос бўлиб қолганди.

Ана шундай ўта оғир ва чигал шароитда миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг асосий стратегик тамойиллари ишлаб чиқилди...

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, ҳар бир давлат тарихида, айниқса бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш даврида мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи ёт иллатлар: ўғрилик, порахўрлик, таъмагирлик ва иқтисодий жиноятчиликнинг бошқа ёт шаклари пайдо бўлади.

Давлат иқтисодий хавфсизлигига салбий таъсир ўтказадиган ана шундай иллатлардан бири бу — олиб-сотарликдир. Агар у оммавий тус олиб, аҳоли асосий қисмининг турмуш тарзига айланиб борса — нафақат давлат, балки миллатнинг ҳам келажагига таҳдид солади, оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Мана энди шу ўринда «тадбиркор» ким, «олиб-сотар» ким эканлигини аниқлаб олиш мантиқан тўғри бўлади. Тадбиркорлик — бу бозор иқтисодиётининг таянчи ва асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Тадбиркор — қонунлар доирасида фаолият кўрсатади, ўз хатти-ҳаракати учун мулкий ва молиявий жавобгарликни ҳис қилади.

«Тадбиркорлик — мулкий масъулият ва жавобгарлик остида, қонунлар доирасида ҳамда фойда олиш мақсадини кўзлаб, таваккалчилик билан амалга ошириладиган, ўзи ва бутун жамият учун наф келтирадиган фаолиятдир».

Олиб-сотарлик эса — бу хунфиёна, яъни яширин иқтисодиётнинг ошкора фаолият кўрсатувчи вакилидир. Бошқача айтганда, у тижоратчи тўнини кийиб олган, амалда бозор иқтисодиётига зид оқим вакилидир. Яъни, бошқача айтганда, улар бозор иқтисодиётидаги жиноий гуруҳчалар ҳисобланади. Чунки олиб-сотарлар нопок пул топишнинг барча имкониятларидан фойдаланишади, қонундан яширинча йўл билан топилган даромадлари ҳисобига истеъмол бозорини эгаллаб олишга ҳаракат қилишади.

Улар маҳсулотни кимдан оляпти, кимга сотяпти, пулини нимага ишлатяпти, яширин бўлади. Улар у бозордан олиб, бу бозорга, у «дом»дан олиб бу «дом»га сотади. Олиб-сотарлик одамлар эҳтиёжини вақтинча қондиради. Бу йўл билан ички бозорни тўлдириб, муаммони ҳал этиб бўлмайди. Қайтанга бозорда олиб-сотарлар ҳукмрон бўлиб қолади. Уларга қўшимча яширинча иқтисодий жиноий гуруҳлар томир отади. Уларнинг хуфиёна «фаолият»лари нархнавонинг ошиши, пулнинг қадрсизланишига олиб келиш билан чекланиб қолмайди. Иқтисодиётни жарлик томон етаклайди. Одамлар эса буни бирданига сезмайди. Улар назарида бозор тўлиб-тошиб тургандай туюлади. Аммо булар алдамчи ҳолатлар. Улар ортида катта иқтисодий йўқотишлар, бош-бошдоқлик беркинган бўлади.

Олиб-сотарлик ҳақида гап кетганда, ички бозоримиздаги муҳитни, нарх-навони издан чиқараётганлар ҳақида ҳам ўйлаш керак. Масалан, деҳқон бозорини олайлик. Деҳқон бозорга келса, унга олиб-сотарлар асаларидек ёпишиб, деҳқонлардан маҳсулотларини арзон гаровга сотиб олишади. Буни — «тортиб олишади» десак, тўғрироқ бўлади. Сўнгра маҳсулотларга ўзлари «белгилаган» нархни қўйиб бемалол сотиб ўтиришади. Улар ҳеч қаёққа шошилишмайди. Чунки уларнинг «иш жойи» бозор, тирикчилиги бозор. Бунақалар бозорларга ин қуриб олишган, келишиб олиб бутун бозордаги нархни назорат қилиб, ушлаб туришади. Дейлик, деҳқон килосини 300-400 сўмга сотаман, деган ниятда олиб келган маҳсулотни 800-1000 сўмдан пуллашади. Қани, бирорта деҳқон бозорга ўз маҳсулотини олиб келиб, олиб-сотарлар белгилаган бозор нархидан арзонга сотиб кўрсин-чи, йўл беришармикан!?

— Ҳақиқий тадбиркор, тижоратчи қандай бўлмоғи керак?

— Тадбиркорликнинг шаклларидан бири бу соғлом тижоратчилик фаолиятидир. У ишчи, қурувчи, ҳунарманд сўзлари каби савдо-сотиқ соҳасидаги касб-ҳунарни англатади.

Тижоратчи бозордаги талаб ва эҳтиёжни яхши биладиган, савдогарлик санъатига эга, бозорни зарур моллар билан тўлдирадиган, элюрт учун хизмат қилишни ўз бўйнига олган ишбилармон, уддабурон ва фидойи инсонлардир. Улар нарх-навони диёнат билан белгилаб, меъёридаги фойда билан чекланадиган кишилардир.

(Давоми 2-бетда.)

Гиёҳвандликка қарши кураш — ҳаёт учун кураш!

Статистик маълумотларга қараганда, гиёҳвандликка чалинган бир одамни ажал бот-қоғидан қутқариб олиш учун ўртача 10 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ керак бўлар экан. Биргина шу далил «аср вабоси» деб аталаётган офатнинг қанчалик катта зарар келтиришини кўрсатиб турибди.

Иқтисодий чиқимларни қоплаш мумкиндир, аммо муаммонинг иккинчи жиҳати — соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тараққиётга акс таъсир кўрсатишини ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) ҳам кўпинча гиёҳванд моддалар орқали юқиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Ҳозиргача сайёрамизнинг 23 миллиондан зиёд аҳолиси ОИТС туфайли ҳаётдан кўз юмди. Гиёҳвандликка қарши кураш — ҳаёт учун кураш, демакдир.

Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарининг йиллар давомида жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддалар нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёга таҳдид солишидан қайта-қайта огоҳлантириб келганини таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг гиёҳвандликка, террорчиликка қарши курашувчи халқаро марказлар ташкил этиш зарурлиги тўғрисидаги таклифлари бугунга келиб нақадар ҳаётий эканлиги ўз тасдиғини топди.

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилаётган «Ўзбекистон ва Тожикистонда гиёҳванд моддаларга талаб ва истеъмолни камайтириш дастури»нинг тақдимот маросими бўлди. Беш йил муддатга мўлжалланган ушбу дастурнинг қиймати 16 миллион долларни ташкил қилади. Шундан 10 миллиони Ўзбекистонда, жумладан, Тошкент шаҳри ва Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида гиёҳвандликнинг ёшлар орасида тарқалишининг олдини олишга сарфланади.


Тақдимот маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Қароматов мамлакатимизда гиёҳванд модда истеъмол қилувчилар 2002 йилда сезиларли даражада камайганини таъкидлади. Ҳукумат қарорлари асосида кўрилаётган қатъий чоралар, тарғибот-ташвиқот ишлари бундай самаранинг биринчи омили бўлса, иккинчидан, АҚШ етакчилигидаги халқаро коалициянинг Афғонистондаги аксилтеррор ҳаракатлари натижасида гиёҳванд моддалар оқимига тўсиқ қўйилди.

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси бугун халқаро терроризмнинг молиявий манбаига айлангани ҳам инсониятга катта таҳдид солаётганини айтди. Айниқса, Афғонистонга қўшни мамлакатларда бу балонинг олдини олиш жуда муҳимдир. АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик асосига қурилган яқин ҳамкорлик гиёҳвандликка қарши кураш жабҳасида ҳам ривожланиб бораверади.

Маросимда гиёҳвандлик, ОИТС каби офатларнинг олдини олишда тарғибот-ташвиқот ишлари, муаммо ҳақида имкон қадар кўпроқ ахборот тарқатиш яхши самара бериши таъкидланди.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА мухбири

● МАҲСУЛОТ: ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ




Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигида бунёд этилган «Қоракўлтекс» мана, икки йилдирки, ўз имкониятларини кенгайтириб, хорижга маҳсулот чиқармоқда. Замонавий технология асосида ишлаётган корхона аллақачон лойиҳа қувватини ўзлаштирди. 200дан ортиқ йигит-қиз ишлаётган жамоада бултур 3123905 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу дастлабки йилдагидан бир ярим бараварга кўп.

— Асосий харидоримиз, — дейди корхона директори Меҳриддин Мансуров, — Германия, Туркия, Россия, Украина сингари мамлакатлар. Маҳсулотнинг ярмидан кўпини экспортга йўналтирганимиз учун ҳам ишчилар манфаатдорлиги юқори. Ўртача маош қарийб 90 минг сўмга етди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўтган даврда корхонанинг биринчи навбати — ип йигириш билан чекланилган ҳамда экспортбоп ип калаваланганди. Янги йилдан бошлаб эса унинг иккинчи навбатини ишга туширишга ҳаракат қилдик. Энди қўшма корхонада тўқув цехи ҳам фаолият кўрсата бошлади. Дастгоҳлар билан Туркиянинг «Догуш» фирмаси таъминлади. Ҳозир бу цехда 100 нафар киши ишлаши билан бир қаторда экспорт талабларига жавоб берадиган трикотаж матолар тўқилади. Тўқиладигина эмас, балки бўялади. Истиқболда эса ана шу матолардан трикотаж кийим-кечак тикиш цехи ҳам қурилади. Бу эса тайёр маҳсулот дегани.

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар*



● ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ V ПЛЕНУМИ ҚАРОРИ

Мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши V пленуми қайд этадики, 2002 йилда мамлакатимизда барча соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсати давом эттирилди. Ушбу йил, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 27 январь куни бўлиб ўтган референдуми натижаларига мувофиқ, парламент ислоҳотини амалга ошириш, унинг қонунчилик асосларини яратиш бўйича фаол амалий ишлар йили бўлди.

Ортда қолган даврда Ўзбекистон ХДП ҳам муайян даражада ривожланди, ўз сафларини кенгайтириб, тузилмаларини бирмунча такомиллаштирди. Республикамиз раҳбариятининг ислоҳотлар йўлини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган партиямиз аъзолари, унинг барча даражалардаги депутатлари ва тарафдорлари янгиланиш ишларига амалий ҳиссаларини қўшмоқдалар. Олий Мажлисдаги ЎзХДП фракцияси аъзолари парламентнинг қонун яратувчилик ишларида иштирок этмоқдалар. Партиянинг матбуот нашрлари ислоҳотлар бориши ва ташкилотларимиз фаолиятини ёритмоқдалар.

Айни пайтда, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ХДП парламент хилидаги партияга хос талабларга ҳали тўла жавоб бермаяпти. Шу муносабат билан, пленум Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг, мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг мўртлик ҳолатида эканлиги тўғрисидаги, танқидий фикрларини жуда ўринли ва Ўзбекистон ХДП фаолиятига ҳам тўла тааллуқли, деб ҳисоблайди. Бу ҳолат барча даражадаги партия кенгашлари ва ташкилотлари фаолиятида, кўпинча, жорий ички партиявий ишлар билан шуғулланиш устунлик қилаётганлигида кўриниб турибди. Партиянинг марказий органлари, маҳаллий кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари, кўп ҳолларда, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида жамият диққат марказида турган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммолардан четда қолмоқдалар, улар бўйича ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқиб, уни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилмаяптилар, жойларда ислоҳотларни рўёбга чиқаришдаги чала-яриминликка ва изчилликнинг етишмаётганлигига етарли эътибор бермаяптилар.

ХДПнинг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик тузилмалари орқали, партия томонидан 1999 йилдаги сайловларда илгари сурилган, дастурий устуворликларни амалга ошириш бўйича ишлар, ҳозирча, мунтазамлик тусини олмаяпти. Депутатлар — парламент фракцияси ва ХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, қатор ҳолларда, партиянинг, Олий Мажлис ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари сессияларида, тегишли масалалар юзасидан, улар иштирокида ишлаб чиқилган, нуқтаи назарини ҳимоя қилишда етарлича қатъиятлилик кўрсатмаяптилар.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши V пленуми қарор қилади:

1. Ислоҳотлар йўлидаги муаммо ва нуқсонларга нисбатан фикр билдирмай туришдан уларнинг ижобий муҳокамасига ўтиш партиянинг марказий органлари, маҳаллий кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ва давлат ҳокимияти қонунчилик-вакиллик тармоқларидаги депутатлик тузилмаларининг фаолиятларидаги мўртлик ҳолатидан чиқишнинг асосий йўналиши, деб ҳисобласин.

Ўзбекистон ХДПнинг марказий органлари, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга бўйсунувчи барча маҳаллий партия кенгашларига, тегишли давлат ҳокимияти вакиллик идораларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари билан биргаликда, ислоҳотлар сиёсатининг амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини мунтазам равишда олиб бориш тавсия этилсин. Бунда мамлакатимиз раҳбариятининг жойларда ислоҳотларни олиб боришдаги чала-яримликни бартараф этишга қаратилган йўлини фаол қўллаб-қувватлаб, янгиланишларни рўёбга чиқаришдаги камчилик ва нуқсонларга нисбатан қатъий қарашга эга бўлиш, улар юзасидан ўз нуқтаи назарларини партия матбуоти ва бошқа оммавий ахборот воситаларида очиқ баён қилиш лозим.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти, 2003 йилдан бошлаб, партия кенгашлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини, партиянинг парламентчилик фаолиятига мос — уларнинг сайловларда қўлга киритган натижалари, ҳудудий партия ташкилотларининг аҳолига таъсир кўрсатиш даражаси, партия депутатлик гуруҳлари фаоллигини баҳолашнинг шулар каби ва бошқа таъсирчан мезонларини татбиқ этишга ўтилишини таъминласин.

2. Партиянинг парламент ислоҳоти қонунчилик асосларини яратишдаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида:

— Олий Мажлисдаги партия фракцияси Ўзбекистон Республикаси референдуми қарорларини амалга оширишга оид қонун яратувчилик ишларида ўзининг фаол иштирокини таъминлаши лозим, деб ҳисобласин. Бунда сайловлар ва сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш ва уларни 2002 йил 27 январдаги референдум якунлари бўйича қабул қилинган Конституциявий қонунларга мослаштириш юзасидан таклифларни, белгиланган тартибда, тайёрлаш, тақдим этиш ҳамда муҳокама этиш масалаларига алоҳида эътибор берилсин.

Парламентдаги ХДП фракцияси сенатга ушбу масалаларда партиянинг сиёсий устуворликларига мос нуқтаи назарга эга бўлиш, Олий Мажлиснинг қўмита ва сессияларида уларни қатъиятлилик билан ҳимоя қилиш тавсия этилсин.

— Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар партия кенгашлари тегишли қонунлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ҳамда уларни умумхалқ муҳокамасига қўйилиши билан, барча партия ташкилотларида бунга оид ишларни ташкил этиб, партия аъзоларидан тушган таклифларни умумлаштириб, фракцияга тақдим этсинлар.

3. Ўзбекистон ХДПнинг марказий органлари, маҳаллий кенгашлари, ташкилотлари, фуқароларнинг ҳаётий манфаатларига доир муаммоларни амалий ҳал этиш юзасидан, тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг буларга оид чоралар кўришларига қаратилган, сиёсий ташаббуслар кўрсатиш учун партия, унинг парламент фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларининг қонунда белгиланган ҳуқуқ ҳамда ваколатларидан тўла-тўкис фойдаланишни таъминласинлар.

Бунда:

— Бўлажак парламент сайловларигача бўлган даврда, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳларининг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатларини рўёбга чиқарилишига амалий ёрдам ва сиёсий кўмак бериб, уларнинг фаолиятидаги сусткашликларнинг бартараф этилишига эришилсин.

— Ўзбекистон ХДПнинг депутатлик гуруҳлари маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланиши билан боғлиқ таклифларни тайёрлашда, уларнинг бажарилиши устидан депутатлик назоратини ўрнатишда, ижтимоий соҳанинг устувор йўналишлари — халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳаларининг бюджетдан тўлиқ молиялаштирилишини таъминланишида фаол қатнашсинлар.

— Давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи-вакиллик тармоғидаги партия депутатлик бирлашмаларининг, уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги тарифлар сиёсатига нисбатан, Ўзбекистон ХДП дастурий қарашларини рўёбга чиқаришдаги аҳамияти кучайтирилсин.

Бунинг учун, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларини оширилишининг ҳар бир ҳолати юзасидан, давлат ҳокимияти тегишли ижроия ҳокимияти ва бошқаруви идоралари раҳбарларига сўровлар билан мурожаат қилишнинг қонуний ҳуқуқларидан фаол фойдаланилсин. Уларга, ҳар бир шундай мурожаат муносабати билан, тарифларни оширишнинг техник-иқтисодий асосланишини мустақил экспертлар томонидан баҳолашни ташкил қилиш амалиётини қўллаш, улар асосида тарифлар бўйича муқобил таклифларни ишлаб чиқиб, уларни давлат ҳокимияти тегишли вакиллик ва ижроия идоралари муҳокамасига киритиш тавсия этилсин.

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари иқтисодиётнинг аграр шўъбасида ислоҳотларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратишлари лозим, деб топилсин. Уларга, қонунларда белгиланган ваколатлар доирасида, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари тизимида шартномавий муносабатларнинг аҳволи устидан мунтазам депутатлик назоратини ўрнатиш, унинг давомида аниқланган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари манфаатларига путур етказиш ҳолларига зудлик билан муносабат билдириш, тегишли экспертларни жалб қилган ҳолда, аграр соҳадаги шартномавий иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш бўйича муқобил таклифларни ишлаб чиқиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларига киритиш тавсия этилсин.

— Ҳудудларни ривожлантиришнинг истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш, муҳокама этиш, қабул қилиш ва уларни бажариш устидан депутатлик назоратини йўлга қўйишда, қайта ишлаш корхоналарини ва замонавий хизмат соҳаларини жадал ривожлантириш асносида янги иш жойларини илдам яратиш, ички истеъмол бозорининг ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош товарлар билан тўлақонли тўлдирилишини йўлга қўйишда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатларнинг ташаббускорлик руҳидаги мунтазам қатнашуви таъминлансин.

4. Барча даражалардаги партия кенгашлари ва ташкилотларига жўшқин шаклланаётган жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини ривожлантириш таклиф этилсин. Ушбу мақсадларда икки томонлама ва кўп томонлама, ўзаро манфаатли ҳамкорлик битимларини тузиш амалиётидан кенг фойдаланилсин. Барча партия ташкилотларининг «Обод маҳалла йили» дастури, шунингдек, жамиятнинг фуқаролик институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид, бошқа дастурлар доирасидаги, тадбирларда фаол иштирок этишлари таъминлансин.

5. Партиянинг ташкилотчилик салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, устувор вазифаларни ҳал қилишда ундан самарали фойдаланиш мақсадида, қуйидагиларни амалга ошириш зарур, деб ҳисобласин:

— 2004 йилдаги сайловлар мавсуми бошлангунга қадар, барча сайлов округларида партия ҳудудий гуруҳлари ва бошқа, шу каби, партиявий тузилмаларни тузишга оид ишлар охирига етказилсин. Ушбу тузилмалар фаолиятини такомиллаштириб, уларни партиянинг тегишли сайлов округларидаги асосий таянч бўғинига айланишларига эришилсин.

Ушбу тузилмаларнинг кучи билан, ҳар бир сайлов округида электоратнинг ижтимоий таркиби, унинг сиёсий мўлжаллари, кайфият ва манфаатларини ўрганиш асосида, сайловчилар эътиборини қозониш бўйича жорий ва истиқболли ишлар режалари ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин. Улар таркибидаги фаолларни тегишли сайлов округларида иш олиб бориш усулларига ўргатиш чоралари кўрилсин.

— Ўзбекистон ХДПнинг барча даражалардаги кенгашларига фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермаётган партия ташкилотларини, ташкилотчилик ва ишчанлик фазилатларига эга, жонкуяр, талабчан раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлаш тавсия этилсин.

— Партия кенгашларининг, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, ўз фаолиятларини мустақил равишда молиялаш ва моддий-техника ашёлари билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга қаратилган, саъй-ҳаракатлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланилсин.

6. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятлари, партия Дастури устуворликларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланишининг ҳозирги босқичи муаммоларига бағишланган, таҳлилий мақолаларни эълон қилишни давом эттирсинлар. Улар партиянинг, муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий масалалар, шунингдек, аҳолининг ҳаётий манфаатларига таалуқли муаммолар юзасидан, нуқтаи назарини кенг жамоатчиликка мунтазам етказиб берсинлар, чоп этилаётган ашёларнинг савияси ва сифатини яхшилаш чораларини кўрсинлар.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши V пленуми партиянинг барча ташкилотлари, муассасалари, аъзолари, депутатлари ва кўп сонли тарафдорларини мустақил мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши манфаатлари, партиямизнинг мавқеини мустаҳкамлаш йўлида эртанги кунга комил ишонч, юксак масъулият ва уюшқоқлик билан ишлашга даъват этади.

2003 йил 15 март

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Чинакам тадбиркорлик туйғуси ёки олиб-сотарликнинг иқтисодий хавфи

Фақат олиб-сотарлик билан кифояланса, қачон ўз маҳсулотимизга эга бўламиз? Ёшларимиз ҳам шу йўлдан кетаверса, эртага нима бўлади? Замонавий техникаларни ким кашф қилади, ким бошқаради? Миллат ғурури, иқтисодий онг ва тафаккур қандай шаклланади? Тошкент Молия институти кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Тошболта ЖЎРАЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Савдо-сотиқ, тадбиркорлик халқимиз учун янгилик эмас. Бу соҳалар қадим-қадимда ҳам юртимизда кенг ривожланган. Юртимизда савдо маданияти юксак бўлган. «Ҳадис» да тижорату савдогарлик ҳақида кўп ҳикматлар айтилган. Масалан, «касбнинг афзали ҳалол савдо ва кишининг қўл меҳнатидир», «рисқнинг ўнтадан тўққизтаси савдода, биттаси чорвададир», «топилган молнинг энг тозаси (покизаси) кишининг пешона тери билан топилган мол ва бегиром ҳалол савдодан топилган пулдир» дейилган.

Энди Буюк ипак йўлини эслайлик, аждодларимиз яқин ва узоқ давлатлар билан савдо алоқаларини ўрнатган. Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Миср ва ҳатто Европа мамлакатларидан зарур буюмларни олиб келишган. Айни чоғда ўз Ватанларининг турли-туман товарларини айирбош қилиб, дунёга танитишган. Улар савдо-сотиқ сирларини пухта эгаллаб, ўз юрти ва ўзга юртларнинг товарларга эҳтиёжини мустақил ўрганишган, маърифатли, саховатли ва маданиятли кишилар бўлган. Бирор нарсага муҳтожлик сезиб турган элга ёрдам кўрсатганликларини савоб деб билишган. Шу ўринда алоҳида айтмоқчиман, савоб ва гуноҳ унутилган ишда файз-барака бўлмайди. Ота-боболаримиз «кам бўлса-да, баракасини берсин», деб бекорга айтишмаган.

— Шу ўринда яна бир масалага ойдинлик киритсак, хуфя йўллар билан олиб-сотарлик қилаётганлар фикрича, улар гўё арзон-гаров мол олиб келиб, бозорни тўлдиришаяпти, одамлар ҳожатини чиқаришмоқда. Эҳтимол, ростдан ҳам ўз хатти-ҳаракатлари иқтисодиётимизга қандай таъсир кўрсатаётганлигини билмасликлари мумкин... Нафақат сифатсиз маҳсулотларнинг республикамизга олиб келиниши, умуман олиб-сотарлик қандай оқибатларни келтириб чиқариши ҳақида тушунча берсангиз.

— Ростдан ҳам олиб-сотарликнинг салбий оқибатларини аҳолининг кўпчилик қисми тушунмаслиги мумкин, лекин тушунса-да фақат ўз манфаатини ўйлаб масаланинг иккинчи томони билан қизиқмайдиганлар ҳам оз эмас. Тўғрисини айтганда, олиб-сотарлик иқтисодий хавфсизлигимизга катта зиён етказади. Бунга айрим мисолларни келтирайлик:

- *Айирбошлашлик эквиваленти бузилиши ҳисобига (фақат четдан маҳсулот олиб келинади, ўз маҳсулотимиз чиқарилмайди) муомаладаги валюта заҳираларимизнинг четга чиқиб кетишига олиб келади.*
- *Ички бозорда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларига талаб камаяди;*
- *Келтирилган сифатсиз товарлар қўлдан-қўлга ўтиб, нархлари ўсиб бориши сабабли аҳолининг турмуш даражаси пасаяди;*
- *Олиб-сотарлар қўлидаги пулларнинг кредит муассасаларига қайтиб келмаслиги — иш ҳақи, нафақа ва бошқа мажбуриятларнинг ўз вақтида тўланмаслигига олиб келади. Бу ҳол муомалага қўшимча пул чиқаришни тақозо қилади. Қўшимча пул чиқариш эса инфляцияни муқаррар қилиб қўяди;*
- *Сифатсиз молларнинг киритилиши ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради (турмуш тарзи, соғлик ва ҳоказо).*

Кўряпсизми, хуфя олиб-сотарлик қанчалик оғир оқибатларни олиб келади.

— Сир эмас, ота-оналар орасида ўзлари олиб-сотарлик билан шуғулланишлари етмагандай болаларини ҳам бу «касб»га ўргатаётганлар оз эмас. Бундай ота-оналар, тўғриси, болаларининг ўқишидан кўра, кўпроқ уч-тўрт сўм пул топиб келишини маъқул кўришмоқда. Сиз нафақат иқтисодчи олим, балки педагог, ўқитувчи сифатида бу масала ҳақида нима дея оласиз?

— Бир нарсани тан олиш керак, айрим болалар оила кемтиклиги, етишмовчилик сабабли бозорга чиқаётган бўлиши мумкин. Лекин сифатсиз молларни олиб-сотишни касб қилиб олсак, бунга ёшларимизни ҳам ўргатсак, халқнинг, миллатнинг келажаги хавф остида қолади. Оддий бир нарсани тасаввур қилайлик, агар ҳамма шу йўлдан кетса, бошқаларга мулоқо қарам бўлиб қолмаймизми?! Ҳеч нарса ишлаб чиқармасак, ақлимизни, билим ва қобилиятимизни бировга кўрсата олмасак, ким бизни ҳурмат қилади? Эртага замонавий техникаларни ким ихтиро этади? Ким бошқаради?

Ҳар бир мамлакат фан-техникага суянсагина бойийди, қудратли бўлади. Фанни ким ривожлантиради, замонавий техникаларни ким ихтиро қилади, ёшлар эмасми? Илм-фанни ривожлантирмаган, ихтиролар яратмаган, экспортга маҳсулот ишлаб чиқармаган мамлакат иқтисодий мустақилликка эриша олмайди. Олиб-сотарликка болаларини ҳам жалб этаётганлар нафақат ўз фарзандлари келажагига, мамлакат келажагига ҳам хиёнат қилишяпти, десак ҳеч хато бўлмайди.

— Кечирасиз, «Иқтисодий мустақиллик» деган тушунчага изоҳ берсангиз. У қандай мезон билан ўлчанади, қандай шартлари бор?

— Иқтисодий мустақиллик — бу, бошқа мамлакатларга иқтисодий жиҳатдан боғлиқ, аниқроғи тобе бўлиб қолмаслик. Ўз иқтисодий куч-қудрати билан ҳаётий зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариб, ички бозорни тўлдириш. Ташқаридан кириб келаётган маҳсулотга ўз миллий маҳсулоти билан рақобатчи бўлиши.

— Ўз ички бозоримизни ўз маҳаллий маҳсулотларимиз билан таъминлашимиз учун энг аввало, нималарга эътибор беришимиз керак, деб ўйлайсиз?

— Бунинг учун миллий ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан рағбатлантириш керак. Қандай қилиб? Одамлар қўлидаги бўш маблағларни ишлаб чиқаришга йўналтириш зарур. Бунинг учун бизда ҳуқуқий асослар ҳам, давлат томонидан ёрдаму имтиёзлар ҳам етарли. Менимча, Юртбошимиз кўп бор таъкидлаган вазифа — кичик корхоналарни ривожлантиришга эътиборни қаратиш лозим.

— Бозор иқтисодиётига ўтишда, дастлабки йиллари, биз ижтимоий оқибатларини ўйламасдан кўпроқ «олиб-сотарлик» қилдик. Бу ҳол табиий эди. Олиб-сотарлик энг содда, кўп маблағ талаб қилмайдиган, пул тез қайтадиган фаолият. Бундан ташқари рўйхатдан ўтиш учун расмий идораларга қатнамайди, рухсатнома кетидан чопмайди, солиқ тўламайди. Тадбиркорларга бериладиган ҳуқуқ ва имкониятлардан эса улар ҳам бемалол фойдалана бошлашди. Оқибатда, олиб-сотарлик тез томир отиб кетди.

Натижада бугун олиб-сотарлик муаммоси билан курашишимизга тўғри келаяпти. Энг муҳими, олиб-сотарликнинг оммавийлашиб кетишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун ҳуқуқий ва маъмурий усуллар билан бирга ташвиқот ҳамда тушунтириш ишларининг самарали усулларини топиш зарур бўлади.

Жойларда ҳалол тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ҳақиқий эркинлигига тўсқинлик қилаётган маъмурий тўсиқларга қарши муросасиз кураш олиб бориш лозим, деб ўйлайман.

Ҳозир бизда ҳалол тадбиркорлик қиламан, деган одам учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Президентимизнинг ўзлари тадбиркорларни қаттиқ ҳимоя қилиб келяпти. Имтиёзлар яратиб бераяпти. Айниқса, бошқаришни эркинлаштириш талабларидан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни ташкил қилиш, барча шаклдаги инвестицияларни янги технологияга асосланган мини корхона ва цехларни ривожлантиришга йўналтириш бўйича қанчадан-қанча таклифларни айтди. Ҳамма гап энди ҳаракатга, жойлардаги раҳбарларнинг фидойилиги ва иқтидорига боғлиқ.

Биз бир-бирига қарама-қарши бўлган бир жамиятдан бошқасига ўтаётганлигимиз сабабли узоқ йиллар давомида турмуш тарзимизга айланиб қолган боқимандалик, ўзибўларчилик, тайёрига айёрлик кайфиятларидан ва тафаккуримиздаги бозор иқтисодиётига ёт бўлган қарашлардан бирданига қутула олмаймиз. Бунинг энг ёмон кўринишларидан бири — бу маъмурий-буйруқбозлик усули. Жойлардаги айрим раҳбарлар ҳалигача стратегик вазифалар билан шуғулланиши ўрнига оддий, кундалик ишлар билан машғул бўлиб қоляпти. Бошқача айтганда, хўжалик раҳбарлари тадбиркорлар, деҳқонлар ишига аралашиб, уларга халақит беришяпти.

— Тарих тажрибасидан маълумки, ҳар бир соҳада ривожланиш, тараққиёт энг авалло, фуқароларнинг ватанпарварлик туйғусига боғлиқ. Демак, савдо-сотиқда, умуман иқтисодиётда ҳам асосий эътиборни ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришга қаратиш керак эмасмикин? Сиз бу масалага қандай қарайсиз?

— Дарҳақиқат, бу жуда муҳим вазифа. Миллатда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш иқтисодий тафаккурни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. Чунки одамлар ўз хатти-ҳаракатларининг иқтисодий оқибатларини, жамият учун келтирадиган зарарини англасагина ва буни юракдан ҳис қилсагина ўз манфаатидан Ватан ва халқ манфаатини устун қўяди.

Шу сабабли Президентимиз республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш ва миллий давлатчилигимизни барпо этишда «Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш»ни иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги стратегик мақсадлардан энг асосийси эканлигини таъкидлаган эдилар.

Иқтисодий мустақиллик учун иқтисодий тафаккур шаклланиши керак. Иқтисодий тафаккур бўлса, миллат ғурурли бўлади. Шу сабабли бозор иқтисодиёти деган тушунчани, бозор қонун-қоидаларини одамларга чуқурроқ тушунтириш керак. Истеъмолчи камситилса, миллий ғурурга путур етади. Бозорда истеъмолчи ҳукмрон бўлиши керак, сотувчи эмас. Аҳолида иқтисодий қарашлар шаклланса, иқтисодий хавфсизлик нима, бунинг давлатга, жамиятга фойда-зарари нима, буни кўпчилик англаса, миллий ғурур кучаяди.

Бунга жамиятнинг барча аъзоларига (боғчадан бошлаб, меҳнат жамоалари ва маҳалла аҳлигача) узлуксиз иқтисодий таълим ва тарбияни босқичма-босқич сингдириб бориш орқали эришиш мумкин. Ҳаммаси аввало иқтисодий тарбияга боғлиқ. Чинакам тадбиркор энг аввало ўз юртини, халқини ўйлайди. Халқи, юрти юксалса, дунёда эътибор топса, буңдан фахрланади, ғурурланади. Чунки, ўзи ҳам шу юртнинг бир фарзанди эканлиги, шу обрў-эътибор ўзига ҳам тегишли эканлигини англайди, ҳис этади.

Сафар ОСТОНОВ
суҳбатлашди

Ҳамкорлик асосида

ХДП Тошкент шаҳар кенгаши *ва «ИТА Факт» ижтимоий таҳлил агентлиги ҳамкорлигида «Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ҳамжамият» мавзуидаги икки кунлик семинар-тренинг ўтказилди. Тошкент шаҳар партия фаоллари қатнашган ушбу тадбирда «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» тамойилининг амалда ҳаётга жорий этилишида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва вазифалари, фуқаролик жамиятининг қарор топишида иқтисодий, маданий, маърифий, информацион алоқаларнинг аҳамияти тўғрисида фикр алмашинилди.*

ЮСАИД Халқаро Ривожланиш Агентлиги ёрдамида, Каунтерпарт Консорциум томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида тайёрланган мазкур тадбир ноанъанавий шаклда ўтди. Конструктив мулоқотлар, психологик тестлар ва амалий машқлар орқали ўтказилган шундай тренинглар партия фаолларига тарғиботташвиқот ишларини замонавий услуб ва шакллар асосида ташкил этиш кўникмаларини ҳосил қилишларида яқиндан ёрдам беради.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот маркази

● ЭКОЛОГИЯ

Минтақавий ҳаракат режаси

Маълумки, ер юзида учинчи минг йиллигимизнинг энг оғир нуқтаси, бу — экологик муаммолардир. Дунёдаги нуфузли, жумладан, БМТ, ЮНЕП ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳалокат ёқасига келиб қолган табиат, набобат, ҳайвонат оламини сақлаб қолиш, уларни салбий таъсир кучларидан муҳофаза қилиш учун муайян чора-тадбирлар белгиламоқда, анжуманлар ташкил этмоқда. БМТнинг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун минтақавий ҳаракат режаси» иш фаолиятининг бош йўналиши ҳам дунё халқлари, мамлакатларининг барқарор тараққиётини таъминлашдан иборатдир. Ана шу мақсадда унинг кўплаб эксперт гуруҳлари минтақалардаги экологик аҳволни ўрганиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Сув Гео» илмий-тадқиқот институтида мазкур ташкилотнинг «Марказий Осиё учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш минтақавий ҳаракат режаси»ни баҳолаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда россиялик таниқли олим, юридик фанлари доктори, бир неча халқаро университетлар профессори, «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун минтақавий ҳаракат режаси»нинг консультанти Александр Тимошенконинг «Марказий Осиё давлатлари учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш минтақавий ҳаракат реж»си тингланди ҳамда муҳокама қилинди.

Саида САЙХУН

Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар тобора чуқурлашиб, миқёси ва кўлами кенгайиб борапти. Соғлиқни сақлаш соҳасини замон талаблари даражасига кўтариш ислоҳотларнинг бош мақсади. Айтиш мумкинки, бу йўлда муайян ишлар рўёбга чиқарилди. Жумладан, республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг ташкил этилиши салмоқли, айтиш мумкинки, фахрланса арзигулик ишдир. Аммо, ҳали олдинда янада долзарб вазифалар турибди, бошланган ислоҳотларни такомиллаштириш, уни мантиқан охирига етказиш зарур. Бу борада биринчи галдаги вазифалар нималардан иборат? Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини Дамин АСАДОВ билан суҳбатлашди.


Шошилинч тиббий ёрдам

МУКАММАЛ, ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛСА, КУТИЛГАН НАТИЖАНИ БЕРАДИ

— Қарийб тўрт йилдан ошдики, республика соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказини ташкил этиш билан боғлиқ ҳаётий заруратлар ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз?

— «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши юртимизда эл соғлиги ва соғлом авлод ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидан ва бу муҳим масала давлатимиз раҳбари, ҳукуматимизнинг ҳамиша диққат марказида турганидан далолатдир. Бу ҳужжат биз учун дастуриламал бўлиб қолади. Албатта, тиббий тизимни ислоҳ қилиш давлат дастурининг ижросини таъминлашни изчиллик билан рўёбга чиқариш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Республика аҳолисининг аксарияти қишлоқ жойларда яшаши эътиборда турибди. Шунинг учун ҳам аввало бирламчи тиббий ёрдам тизимини таркибий ўзгартиришга аҳамият берилмоқда. Бир пайтлар амалдаги беш босқичли тизим ўрнига қишлоқ врачлик пунктлари ва марказий туман шифохоналаридан иборат икки босқичли бирламчи тиббий ёрдам тизимига ўтилмоқда. Ҳозир мамлакатда 1851 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда.

Тўғриси, давлатимиз томонидан кафолатланган шошилинч тиббий ёрдам тизимининг яратилиши ислоҳотларнинг асосини ташкил қилади, десак



бўлади. Бу аввало Тошкентдаги бош муассаса — республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги филиаллари ҳамда марказий туман шифохоналари, марказий шаҳар шифохоналари таркибида очилган шошилинч тиббий ёрдам бўлимларидан иборат. Албатта, бундай юмушларни рўёбга чиқаришда «Тез ёрдам», «Санитария авиацияси хизмати» каби муҳим қисмлардан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Кейинги икки йил мобайнида ярим миллионга яқин беморга стационар шароитда, 1 миллиондан кўпроқ беморга амбулатор шароитда шошилинч ёрдам кўрсатилди. Беморларнинг ўртача даволаниши 5-8 кунни ташкил этди.

— Бундай тиббий хизмат кўрсатишларни рўёбга чиқариш учун шифо масканларини замонавий жиҳозлашга қимматбаҳо ускуналар ҳам зарур бўлгандир, албатта?

— Ҳар қандай бошланган хайрли ишнинг моддий-техника базасини мустаҳкамламасдан туриб, илдамлаш қийин. Хусусан, шошилинч тиббий ёрдам илмий марказини жиҳозлаш учун Испания ҳукуматининг 10,6 миллион евро кредити, Япония ҳукуматининг 760 миллион иена миқдоридаги гранти жалб қилинди. Шошилинч ёрдам тизимининг вилоят ва туман бўғинларини жиҳозлаш учун эса Германия, Исроил ва АҚШдан кредит ҳисобига замон талабларига жавоб берадиган жиҳозлар келтириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаётгани соғлиқни сақлаш тизимини ҳар жиҳатдан янгиланиши сари йўл очмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги «Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бурноғи йили Финландиянинг «Медко-Медикал» фирмасидан 7,2 миллион АҚШ долларига тенг жиҳозлар харид қилинди. Бу жиҳозлар Тошкентдаги перинатал марказ, Гулистондаги реабилитация-соғломлаштириш марказини ҳамда Нуротадаги туғуруқхона мажмуасини жиҳозлашга йўналтирилди.

— Шошилинч тиббий ёрдам тизимининг асосий қисмларидан бўлган «Тез тиббий ёрдам — 03» хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида қандай ўзгаришлар бор?

— Одамларга тиббий ёрдам кўрсатишдек савобли ишни «Тез ёрдам»сиз тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, бундай хизматнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш биринчи галдаги вазифамиз. Бу йўналишда сўнгги йил мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг бир эмас, иккита қарори қабул қилинган. Ана шу ҳужжатларга асосан Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Тез тиббий ёрдам» хизмати учун жаҳон андозаларига жавоб берадиган автотранспорт, диагностика ва даво ускуналари, мобиль ва стационар алоқа воситалари, тиббий ходимлар учун махсус кийим-бошлар харид қилиш, тизим ходимларининг маошларини ошириш кўзда тутилган.

— Давлат дастурида 2005 йилгача босқичма-босқич ўз-ўзини молиялаштиришга ўтадиган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати тасдиқланган. Ҳозир бу жараён қандай бораяпти?

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бирламчи тиббий ёрдам муассасалари, шошилинч тиббий ёрдам муассасаларининг фаолияти ўрганилиб, муҳокама қилингандан кейин ана шу жараённи амалга ошириш ишларига киришганмиз. Биринчи навбатда пуллик хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотлар шунингдек, жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Кўрсатилаётган хизмат ҳажми аҳоли эҳтиёжига қараб белгиланади. Нархи эса ҳар бир беморнинг бюджет ҳисобига даволаниб чиқиш учун сарфланадиган маблағ миқдорига қўшимча қулайликлар учун сарфланадиган сармоя миқдори қўшиб ҳисобланади.

— Тизимда давлат дастури бўйича ислоҳотларни амалга ошириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан кадрлар малакасига боғлиқ. Шундай эмасми?

— Сўзсиз, ҳар қандай соҳада ҳам илдамлаш учун кадрлар малакасини ошириш зарур. Бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Тор ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш учун кейинги икки йил мобайнида тиббиёт институтларида 27 йўналиш бўйича магистратура фаолият кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, шошилинч тиббий ёрдам хизмати ислоҳотлар жараёнида тобора шаклланмоқда. Ислоҳотлар давомида иккинчи босқични ҳам кўнгилдагидек якунлаш учун қуйидаги йўналишларга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Хусусан, биринчи босқич даврида эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳияти, касб маҳорати, билимини оширишда кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурга риоя қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни даволаш муассасалари фаолиятига кўпроқ эътибор қилиш, уларнинг моддий-техника базасини таъминлаш. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг янги замонавий самарали шаклларини ишлаб чиқиш зарурлигини айланиши керак. Ўйлайманки, бундай йўналишларни рўёбга чиқариш билан Ўзбекистонда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш йўлида собит қадам ташлаган бўламиз.

Суҳбатдош:
Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА

АСР ВАБОСИ миллий ва халқаро иқтисодиётга хавф солмоқда

Халқаро терроризм, глобал экологик муаммолар, қурол-яроғ, одам савдоси бугун жаҳон афкор оммасини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Гиёҳвандлик моддаларини етиштириш ва контрабанда эса ҳақли равишда XX аср вабоси дея эътироф этилган эди. Уларга қарши курашиш жаҳон жамоатчилигининг асосий муаммосига айланиб қолмоқда.

Даставвал наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва унинг контрабандасига бутун жаҳон аҳлига хавф туғдирувчи жиддий масалалардан бири сифатида қаралмади.

Наркобизнес, наркотик ва психотроп моддалар контрабандаси билан шуғулланаётганлар бугунги кунда жаҳон аҳолисининг 3 фоизини ташкил этади. Аммо улар кўпчиликни ташвишга солмоқда. Мамлакатлар, минтақалар иқтисодиётига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун жаҳон жамоатчилиги бу масалага алоҳида эътибор қаратишга мажбур бўлди. «Гиёҳвандликка қарши» шиори остида дунёнинг турли нуқталарида халқаро форумлар, семинарлар ўтказилмоқда.

Афғонистон ер сайёрасидаги наркотик модда ишлаб чиқарувчи йирик база ҳисобланади. Статистик маълумотларга қараганда, Ер юзида ишлаб чиқарилаётган наркотикнинг 75 фоизи айнан Афғонистон ҳиссасига тўғри келар экан. Бугун у ерда ҳам моддаларни ишлаб чиқариш ва наркобизнесга қарши чоралар кўрилмоқда. Афғонистон хавфсизлик кенгаши қошида наркотик ва наркотропик моддаларга қарши курашиш департаменти тузилди.

Тошкент шаҳридаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида 17-18 март — икки кун давомида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилот (ЕХҲТ)ининг ташаббуси билан «Ноқонуний наркотика савдоси: миллий ва халқаро доирадаги таъсири» мавзусида форум бўлиб ўтди. Унда ЕХҲТ га аъзо 55 мамлакатдан 120 дан зиёд вакиллар — экспертлар иштирок этдилар.

Халқаро анжуманга йиғилганлар гиёҳвандликнинг мамлакатлар, минтақалар иқтисодиётига салаётган аниқ ва яширин хавфларини муҳокама қилдилар. Асосий эътибор гиёҳвандлик ва наркобизнес соғлом молия бозорига, инвестиция иқлимига жуда катта салбий таъсир кўрсатаётганлигига, унинг олдини олишга, наркотик ва наркотропик моддалар ишлаб чиқарувчи давлатларга қўшни бўлган баъзи мамлакатларнинг транзит бўлиб қолаётганлигига ва бу муаммоларни бартараф этишга қаратилди. Ушбу форумнинг кўзлаган мақсади эса бугунги кунда жаҳондаги гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни жиловлашдир.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, гиёҳвандлик шунчалик чуқур илдиз отганки, уни бутунлай таг-томири билан қўпориб ташлашнинг бугун иложи йўқ. Қачонки, бутун ер юзи аҳолиси, жаҳон жамоатчилиги бир бўлиб қарши курашга бел боғласагина бу балои азимдан қутулиш мумкин экан. Афсуски, баъзи давлатлар яширин равишда гиёҳванд ва наркотропик моддаларни ишлаб чиқаришга ҳомийлик қилмоқдалар.

Тошкент форумида шу масалалар бирма-бир кўриб чиқилди. Наркотика ишлаб чиқарувчилар, унинг савдосини ташкил қилувчилар, давлатлараро «транзит» йўлак берувчилар фаолияти, умуман наркотиканинг бутун дунёда занжирсимон бўлиб илдиз отаётганлигининг асл сабаблари таҳлил қилинди.

Мазкур форумнинг Ўзбекистонда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Бизга қўшни бўлган Афғонистон ўлкасида етиштирилаётган наркотик ва наркотропик моддалар Болқон мамлакатлари, Кавказ ва Европанинг шарқий қисмларига етказиб берилади. Табийки бу борада Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон ҳудудидан транзит сифатида фойдаланишга уринишлар бўлади.

Форум иштирокчилари томонидан ҳам эътироф этилдики, Ўзбекистон халқаро терроризмга қарши курашда олдинги сафларда боргани каби, наркобизнес ва контрабандага қарши курашда ўзининг қатъий, изчил йўналишига эга, у наркобизнесга қарши курашувчи мустаҳкам қўрғон эканлигини бутун дунёга кўрсатяпти. Ўзбекистон ҳеч қачон наркобизнесга «йўлак» очмайди, яъни транзит бўлмайди. Ўз ҳудудининг контрабанда учун транзит бўлиб хизмат қилишига қарши зарур чора-тадбирлар ишлаб чиққан. Натижада контрабанда билан шуғулланувчилар Ўзбекистонни четлаб ўтишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу йилнинг 20-23 май кунлари Прага шаҳрида ЕХҲТ иқтисодий форуми ўз ишини давом эттиради. Тошкент форумида ишлаб чиқилган таклифлар, чора-тадбирлар Прага форуми муҳокамасига қўйилади. Унда жаҳонни занжир мисол ўраб олаётган наркобизнеснинг ҳар битта халқаси алоҳида-алоҳида ишчи гуруҳларга бўлинган ҳолда ўрганиб чиқилади. Унда ҳам асосий эътибор транзитни тўхтатишга қаратилади.

Беҳзод ШУКУРОВ



АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНК
«АЛОҚАБАНК»
ЖАМОАСИ

бунёдкор Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини қадриятларимизни улуғловчи, тараннум этувчи
НАВРЎЗ АЙЁМИ билан самимий қутлайди.

Ушбу қувончли кунларда юртимизнинг ҳар бир хонадонига оилавий тотувлик, бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайди.

Барчамизга Наврўзи олам муборак бўлсин, азизлар!



Ўқувчилар компьютери интернетга уланди

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошида корейс тилини ўрганиш маркази очилганди. Марказни Корея байналмилал кооператив агентлиги маблағ билан таъминламоқда.

Ҳозир 45 нафар йигит-қиз корейс тилини ўрганмоқда.

Яқинда бу ерда яна бир қулайлик яратилди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида компьютер синфи фойдаланишга топширилди. Синфдаги замонавий ўнта компьютер Интернетга уланди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ким Сон Хван қатнашди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ

- **1991 йилнинг эрта баҳори**
- **2000 йилнинг кўклами: «Балхин»га пойдевор ташланди**
- **2003 йил: Яна баҳор келди, сиҳатгоҳ ишга тушди**

Турум дўхтир баҳорлари

Кимдир уни «Турум дўхтир», деб ҳурмат қилса, баъзилар «кураги ерга тегмаган полвон» – дея таърифлайди. Тадбиркорликда ҳам донг таратган. Чорвачиликнинг сиру синоатидан хабардор. Саёҳатни хуш кўради. Иш кўзини билади, ишбилармон. Ўзининг айтишича, «Ўзбек курашининг 101 усули»-ни пухта ўзлаштирган...

Қирқ ҳунарнинг эгаси Турум Мўминов гапни чертиб-чертиб гапиради. Полвонлигиданми сўзни кам ишлатиб, меҳнатни қойиллатади. Бугунни эмас, эртани ўйлаб иш кўради.

Бир пайтлар Денов шаҳрининг қоқ марказида ташландиқ бир макон – бино бўларди. Зах тортаверіб, нурай бошлади. Дўхтир ўйлаб кўрди, бинойидек сиҳатгоҳ қурса бўладию, аммо бардош керак. Устига-устак, икки ҳисса маблағ кетиши тайин. Негаки, 15 сотих майдон ер сатҳидан 1-1,5 метрлар чамаси чуқурликда қолиб кетган. «Нима бўлса, бўлар!», енг шимариб ишга киришди у. Халққа ош бериб, дуо олди. 2000 йилнинг баҳори эди. Қурилиш бошланди. Кенгашли тўйга ҳам харажат керак, ҳали-ку, бу қурилиш... Дўхтирнинг тижорату чорва, олма-узумдан орттирган маблағлари қўл келди. Боқимидаги 20 дан ортиқ новвос ва «Жигули», «Нексия» автомобиллари сотилди. Ҳайҳотдек майдонга шағал тўкилиб, икки метр кўтарилди. 120 кишига мўлжалланган икки қаватли сиҳатгоҳга пойдевор ташланди. Буёғи маблағнинг «чўғи» бироз камайгандек бўлди...

Дўхтир бизни ўз офиси сари етаклайди ва тўлқинланиб ҳикоя бошлайди:

– Ўшанда 1991 йилнинг эрта баҳори эди. «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалигидаги сиҳатгоҳимизга Президентимиз Ислом Каримов ташриф буюрдилар. «Мана шундай гўзал ва обод сиҳатгоҳни ўзимизда ҳам қурса бўлар экан-ку, – дедилар мамнун бўлиб. – Насиб этса, яқин йилларда мамлакатимизда юзлаб шундай масканлар бунёд топади... Оз қолди...» Сўнгра менга йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бердилар.

Турум дўхтир кўкрак чўнтагидан бир жуфт сурат чиқарди. Унда ўша тарихий лаҳзалар муҳрланганди.

– Ўша учрашув ҳаётимни тубдан ўзгартирди, – давом этди қаҳрамонимиз. – Кўп ўтмай юртимиз Истиқлолга эришди. Ўнга яқин хорижий давлатларда бўлиб, тажриба орттирдим. Вилоятда Юртбошимиз айтган ўша бир нечта ана шундай сиҳатгоҳлар қурилди.

... Оппоқ орзулари қанотида елиб-югураётган дўхтир олис-олисларни – келажакни ўйламоқда. У бунёд этган «Балхин» сиҳатгоҳида Сочи табиати, Есентуки ҳавоси, ўзбеклар меҳри, қадоқ қўллар мўъжизаси мужассам гўё...

Ҳар бир инсон ўзи эккан ниҳолнинг ҳосилини кутади. Турум Мўминовнинг «ниҳоли» эса шу йил 19 март куни мева берди: «Балхин» сиҳатгоҳи фойдаланишга топширилди ва илк 100 нафар киши унинг бағрига бепул қабул қилинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БОЛАЛАР СПОРТИ

Чавандозлик мактаби

Жиззах шаҳри яқинидаги «Қаҳрамон» қишлоғида беш минг томошабинга мўлжалланган замонавий Отчопарда ҳар якшанба куни улоқ-кўпкари мусобақалари ўтказилаяпти. Унда нафақат жиззахлик, балки қўшни вилоятлардан келган чавандозлар ҳам иштирок этишмоқда.

Яқинда Отчопарда вилоят болалар ва ўсмирлар от спорти мактаби ташкил қилинди. Мутахассислар, таниқли чавандозлар иқтидорли болаларни танлов асосида ўқишга қабул қилиш ишларини ниҳоясига етказдилар.

– Отчопарда ёш чавандозларнинг анъанавий улоқ-кўпкари спорти сирларини пухта ўрганишлари, маҳоратларини муттасил ошириб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган, – дейди пахтакорлик номдор чавандоз Улуғбек Қўшбоқов. – Муҳими, бу ерда болалар ва ўсмирлар қорабайир зотли отлар билан доимий равишда машғулотлар ўтказиш, уста чавандозлардан сабоқ олиш имконига эга.

Мактабда машғулотлар бошлаб юборилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Жанубий сарҳадларда

ЁКИ БЕШАРИҚЛИК АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

Ҳар йили Наврўз арафасида Қуролли Кучларимизнинг аскар ва зобитлари ҳузурида бўлиб, уларни муборакбод этиш анъанага айланиб қолган. Бешариқ туман ҳокимлиги ва ЎзХДП Бешариқ туман кенгаши ташаббуси билан жанубий сарҳадларимизни ҳушёр ва сергак қўриқлаётган бешариқлик алп ўғлонлар билан учрашув ўтказилди.

Ҳарбий қисм дарвозаси олдида бизни бошлиқ ўринбосари, капитан Ҳасанбой Сулаймонов ҳамда аскарлар қарши олишди. Ота-оналар ва аскар ўғлонлар дийдорлашдилар.

Тарбиявий ишларга масъул, қисм бошлиғи ўринбосари, подполковник Шуҳратжон Сафаров қисмдаги тартиб-интизом, тарбиявий ишлар ҳақида мароқ билан сўзлаб берди. Бу ерда хизматга келган ҳар бир аскар онгига Ватанга муҳаббат туйғусини сингдириш учун тарбиявий ишларнинг самарали усулларидан фойдаланиляпти.

Аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишар эканмиз, тўғриси, шундай қисмда ўғлонларимиз хизмат қилаётганлигидан қувондик. Аскар ётоқхонасидаги жавонлар устига қўйилган суратлар диққатимизни тортди. Аскар ва унинг ота-оналари суратлари ёнма-ён қўйилган. Суратда боқиб турган ота-она ўғлига «Қандай хизмат қилаяпсан, бизларни уялтириб қўйма», деяётгандек.

Қисмдаги ибратли ишлар ҳақида кўп илиқ гапларни айтиш мумкин. Шулардан бири – ёш аскарлар ўртасида меҳрибонлик ойлари ўтказилиб, катта ёшдаги аскарлар кичикларга бириктириб қўйиларкан. Ҳар бир аскарга кичик командирдан зобитгача бириктирилган. Улар жисмоний ва ҳарбий кўникмаларни эгаллашлари учун устозлик қилишади. Шунинг учун ҳам аскарлар орасида жанговар ва ҳарбий тайёргарлик аълочилари, спорт турлари бўйича чемпионлар кўп. Таниқли кишилар, фахрийлар билан учрашувлар, тадбирлар ўтказиш одатга айланган.

Дўстлар дийдори, ота-оналар ва аскар ўғлонлар учрашуви кўнгилларни янада нурафшон этди.

Анвар ЁҚУБОВ,
ЎзХДП Бешариқ туман кенгаши биринчи котиби

Британия кутубхонасининг бебаҳо хазиналари

Буюк Британиянинг Лондондаги миллий кутубхонасида «Британия кутубхонаси хазинаси» мавзусида 200 га яқин экспонатни ўз ичига олган жаҳон маданияти ва санъати асарлари дурдоналари ноёб коллекция галереяси бўлиб ўтди.

Галереяга қўйилган экспонатлар орасидан дунёнинг турли халқлари ва мамлакатлари тарихи ва маданиятига тегишли бўлган қадимий қўлёзмалар, китоблар, санъат асарлари, жўғрофий хариталар, шунингдек, буюк шахслар ижоди ва ҳаётига оид буюмлар жой олган.

Кўргазма иштирокчиларида Марказий Осиё халқлари тарихи билан боғлиқ бўлган қадимий қўлёзмалар, яъни Амир Темур давлати тарихи ҳақида – Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари, буюк миниатюрачи рассом Камолиддин Беҳзод мўйқаламига мансуб суратлар билан безатилган Низомийнинг «Хамса» асарининг қўлёзма шакли, шунингдек, 1590 йилда форс тилига таржима қилинган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» тарихий-автобиографик асарлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ислом манбалари қаторида сақланаётган VIII асрга тааллуқли Қуръоннинг кам учрайдиган қўлёзма шакли Британия кутубхонасининг фахрий шоҳ асари саналади. Қўлёзма шикаста «ма'ил» ёзувида кўчирилганлиги сабабли, у мусулмон муқаддас китобларининг қадимий нусхаси саналади.

– Бугунги кўргазма учун танланган ноёб ва нодир экспонатлар дунёдаги маданий-тарихий коллекцияларнинг бир қатраси бўлиб, улар кутубхона томонидан икки аср мобайнида йиғилган. Бу бебаҳо асарларнинг маълум қисми ўзбек халқи тарихи ва маданияти манбаларидан ташкил топган. Бу шунга гувоҳлик берадики, сизнинг буюк авлодларингиз жаҳон тарихи, маданияти, фан ва санъатида ўзларининг бебаҳо изларини қолдирганлар. Ҳозирги Ўзбекистон бу билан фахрланишга арзийди. Бу шоҳ асарлардан миллионлаб кишилар баҳра олмоқдалар, – деб таъкидлади музейнинг араб қўлёзмалари бўлими масъул ходими Калин Бейкер.

Мардон ЯКУБОВ
«Жаҳон» АА
Лондон.

«NAVOIYAZOT»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
МЕҲНАТ ЖАМОАСИ




барча юртдошларимизни қадимий анъанамиз – янгиланиш ва яшариш байрами – НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муборакбод этади!

ҲУРМАТЛИ ВАТАНДОШЛАР!

Муқаддас ва қутлуғ Ўзбекистон заминига ифор таратиб яна НАВРЎЗ кириб келмоқда. Муборак заминда меҳнат жамоамиз меҳнаткаш халқимиз билан биргаликда ушбу баҳор шодиёнасини кутиб олаётганидан беҳад мамнун. НАВРЎЗ – тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат ва бунёдкорлик риштаси. Бу ришталар халқимиз қалбини, Ватанимиз осмонини ҳамиша тўлдириб турсин. Бирлашмамиз Обод маҳалла йилида халқ хўжалиги учун юздан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотларимиз Сизнинг коringизга яраётганидан биз ҳам хурсандмиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, жонажон Ватанимиз – Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги яратувчилик иштиёқингизга янада кўтаринкилик, куч-қувват тилаймиз.





НАВРЎЗ айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Орол: МУАММО ВА АМАЛИЙ ИШЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ 2002 ЙИЛ 21-СОНИДА БОСИЛГАН «ОРОЛГА ТУРНАЛАР ҚАЙТАДИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАГА АКС-САДО...

Орол денгизи муаммоси тилга олина бошлаганига ҳам йигирма йилга яқин вақт бўлди. Шундан бери у ердаги экологик аҳволни яхшилаб, аҳоли учун қулай турмуш шароитлари яратиш – долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Зотан, Орол муаммоси бир минтақа аҳолисига эмас, бутун инсониятга дахлдор масала. Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти Ислом Каримов нуфузли халқаро анжуманларда сўзлаган нутқларида Орол денгизи фожиасига жаҳон жамоатчилигининг эътиборини қаратиб келмоқда. Жумладан, БМТ Бош ассамблеясининг «Минг йиллик саммити»да сўзлаган нутқида: ***«Орол денгизининг фалокати Европа учун, сайёрамизнинг бошқа ҳудудлари учун қандай хатарли ва кутилмаган оқибатларни юзага келтириши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ»,*** *деб алоҳида таъкидлаган эди.*

Ўзбекистон ҳукумати ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин минтақадаги қўшни республикалар билан ҳамжамиятликда Оролбўйи ҳудудида яшаётган аҳолининг аҳволини яхшилаш бўйича ишларни тобора кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Биргина мисол: Юртбошимиз яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида ***Қорақалпоғистон Республикасида 1990 йилда қишлоқ аҳоли пунктларининг бор-йўғи 21,4 фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 70 фоизга етказилганлигини таъкидлади. Хоразм вилоятида эса бу рақам 23,3 фоиздан 64,2 фоизга етди. Бунинг учун «Туямўйин – Нукус» ва «Нукус – Тахтакўпир» сув тармоқлари, 900 тадан ортиқ қудуқ қурилди.***

Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Нукус филиали, Тез тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус шаҳри ва туманларидаги филиаллари, қишлоқ жойларда барпо этилган қатор тиббий хизмат пунктлари минтақа аҳолиси саломатлигини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлди.

1998 йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг GEF (инглиз. – Глобал экологик жамғарма) агентлиги ташкил этилганлиги Орол муаммосини ҳал этишда олдинга ташланган яна бир қадам бўлди. Агентлик ўз фаолият дастурини ишлаб чиқди. Унда белгиланган вазифаларни амалга оширишда минтақадаги беш республика сувдан фойдаланиш даражасига қараб ўз ҳиссасини қўшади. Табиийки, бу ишда Ўзбекистон қўшаётган улуш салмоқлидир.

Агентлик Орол денгизи ҳавзасида амалга ошириладиган ишларни беш қисмга бўлди. Булар: Орол денгизи ҳавзасида яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш; қуриган денгиз ўзанидаги туз ва қумларнинг ҳавога кўтарилишини тўхтатиш; ўрмонлар барпо этиш; у ерда кўллар ҳосил қилиб, балиқчилик ва ондатра етиштиришни йўлга қўйиш, ҳайвонот ва наботот оламини тиклаш каби вазифалардир.

1999 йилда Қорақалпоғистонда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг GEF агентлигига итоат этувчи яна тўртта агентлик ташкил этилди. Бу агентликлар ҳозирданоқ кичик лойиҳалар тайёрлаб, аҳолига ҳар хил тадбиркорлик ишларини йўлга қўйишда ёрдам бера бошлади. Улар атрофига ҳозир 70 минг одам уюшган. Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 10 фоизи мана шу кишилар ҳиссасига тўғри келди. Булар гўшт, дон, сут, нон-булка ва кондитер маҳсулотларидир.

Амударё дельтасида балиқчиликни ривожлантириш учун кичик-кичик кўллар қайта тиклана бошланди. Ўтган йилга келиб, 90 минг гектар майдондаги кўл қайта тикланди. Бу кўлларга 600 миллион кубометр сув қуйилди. Қушлар пайдо бўлди – ўрдак, ғоз, турналар учиб келди. Мақсад – 230-260 минг гектар майдондаги кўлларни қайта тиклашдан иборат.

Орол денгизининг қуриган ўзанидаги қум ва тузларнинг ҳавога кўтарилишини камайтириш учун ўрмон хўжалигини бунёд этиш керак. Шу пайтгача бу ерда ҳар йили 14-15 минг гектар майдонда ўрмонлар бунёд этилди. Жами ташкил этилган ўрмон хўжалиги 150 минг гектарга етди. Агар Оролнинг қуриган ўзанига нисбатан ўрмонлар миқдори жуда кам, албатта. Шунинг учун ҳам ҳозир бу ерда ўрмонлар ташкил этишни камида уч баравар кўпайтириш, яқин беш йилликда 240 минг гектар майдонда ўрмонлар бунёд этиш мўлжалланмоқда.

2000 йилда Нукус шаҳрида агентлик маблағи билан янги урологик марказ ишга туширилганлиги ҳам муҳим янгилик бўлди. Қурилишга 2 миллион 300 минг АҚШ доллари атрофида маблағ сарфланган бу тиббий иншоот энг замонавий даволаш ускуналари билан жиҳозланган.

Яқинда юқорида зикр этилган мақола босилиб чиққандан сўнг кўп ўтмай ***Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг GEF агентлиги бошқарувчиси Р.Гиниятуллин*** *билан учрашиб, Орол денгизи муамосини ҳал этишда Ўрта Осиё мамлакатларининг иштироки қандай бўлаётганлиги ҳақида сўрадик.*

– 1985 йилда Амударё ва Сирдарёдан Орол денгизига бир томчи ҳам сув оқмай қолган эди, – деди Рим Абдулович. – Ваҳоланки, Орол денгизини ҳозирги аҳволида сақлаб қолиш учун 20-22 миллиард кубометр сув керак. Ўрта Осиёдаги беш давлатда олиб борилган ишлар – каналларни бетонлаш, серсув экинлар экишни камайтириш, сувни тежаб ишлатиш ва бошқа тадбирлар ҳисобига минтақадан Орол учун 7 миллиард кубометр сув олиб берилди. Кейин бу миқдор кўпайиб борди. Ҳозир Орол денгизига ҳар йили ўн, ўн икки, баъзи йиллари ўн олти миллиард кубометргача сув етиб бораяпти.

Мутахассислар фикрича, Ўрта Осиёдаги беш давлатда тузилган дастурлар амалга ошса, тўрт-беш йилдан сўнг Оролга 20-22 миллиард кубометр сув олиб борса бўлади. Ерлар деҳқонларга бўлиб берилиб, фермер хўжаликлари ташкил этилаётганлиги ҳам сувни тежашда қўл келмоқда. Чунки бунда деҳқончиликнинг кўп юмушлари қатори, сув сарфида ҳам хўжасизликка чек қўйилади. Фермер экин майдонига ортиқча сув кириб, у кўллаб ётишидан манфаатдор эмас.

Сувни тежашнинг яна бир йўли – сув иншоотлари – каналлар ва ариқларни таъмирлаб, бетонлаштиришдан иборат. Бетонлаштирилган каналларда одатда сув исроф бўлиши 90 фоизга қисқаради.

Ҳозир Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, қисман Хоразм ва Қорақалпоғистон далаларидан чиқадиган оқова, сизот, дренаж сувлари Амударёга оқизилиб, унинг суви ифлослантирилмоқда. Бунинг оқибатида Амударёнинг қуйи қисмида яшайдиганлар рўзғорда ва экинларни суғоришда сифатсиз сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар. Бу муаммони ҳал этиш учун ***«Амударёнинг ўнг соҳили тракти»,*** *деб аталган лойиҳа тузилган. Бу лойиҳадан асосий мақсад – канал қазиб, сизот ва оқова сувларни исроф қилмай Оролга олиб боришдан иборат. Чунки бу сувлар бироз шўрроқ ва ифлосроқ бўлса ҳам – барибир сув. У Орол бўйида қумнинг кўтарилишини тўхтатишга, ўсимликларнинг ўсишига хизмат қилиши мумкин. Каналнинг узунлиги 500 километр бўлади. Шундан 300 километри қурилди. Қурилиши 2010 йилда битиши керак бўлган бу канал ишга тушса, Оролга қўшимча 3-3,5 миллиард кубометр сув етиб боради.*

Қозоғистонда ҳам Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ижобий ишлар қилиняпти. Улар ўтган йили Жаҳон банкидан 70 миллион доллар сармоя олиб, катта ишларни бошладилар. Биринчидан, Сирдарё сой бўлиб қолиб, Оролга сув ўтмай қолган эди. Ҳозир мана шу тиқилган жойлар очилаяпти. Бир нечта сув иншоотлари таъмирланаяпти.

Хуллас, Ўрта Осиёдаги беш давлат қишлоқ ва сув хўжалиги ташкилотларининг мутахассислари Орол муаммосидан яхши хабардорлар, қиладиган ишларини билишади, дастурлари, лойиҳалари ҳам бор.

Оролни қутқариш халқаро фонди GEF Агентлиги

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ,
журналист

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«ЎЗАВТОСАНОАТ»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Сизларни барчамиз учун баҳор ва уйғониш, яшариш ва янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фасли бўлмиш **НАВРЎЗИ ОЛАМ** *билан самимий муборакбод этади.*


Бутун борлиқни яшартириб, ер юзида буюк мўъжизалар содир этишга қодир Янги кун нафаси ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсонга чексиз қувонч ва шодликлар олиб келсин. Мустақиллик шарофати туфайли биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган янги ҳаёт, эркин ва фаровон турмуш барпо этаяпмиз. Шу нурли йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

Ушбу эзгу тилаклар билан бирга Сизларга байрам туҳфаси сифатида ўзимизда, Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилаётган, жаҳон андозаларига мос – «Нексия», «Дамас», «Матиз», «Тико» автомобилларининг баҳоси 10 фоизгача арзонлашганини хушнудлик билан маълум қиламиз.



Парвозлар тўхтатилди

Британиянинг British Airways авиакомпанияси Форс кўрфази ҳудудида вазият қалтислигини инобатга олиб, 19 мартдан эътиборан Исроилга учадиган барча парвозларни бекор қилди. Шунингдек, Лондондан Дубайга қатнайдиган самолётлар ҳам камайтирилди, яъни кунига учадиган 2 та рейс энди биттага қисқартирилди. Бироқ Қатар ва Саудия Арабистонига бўладиган парвозларга ҳозирча ўзгартиришлар киритилмади, дея хабар беради Исроилда чоп этиладиган Na'aretz газетаси.



Алоқадорликда гумон қилиниб...

Reuters агентлигининг хабарига кўра, Сербия полицияси мамлакат бош вазири Зоран Жинжичга уюштирилган суиқасдга алоқадорликда гумон қилиб, 750 кишини қўлга олди. Операция давом этмоқда.

Қамоққа олинди

Эрон полицияси Интернет хизматидан фойдаланувчи 68 нафар ёш эркак ва аёлни қамоққа олганлигини «Известия» газетаси хабар қилди. Уларнинг айби шуки, Интернет орқали бир-бирлари билан учрашув жойини белгилаб, «тақиқланган алоқа»га киришишга келишиб олишган.

Бу эркак ва аёллардан ташқари полиция «танишув сайти» операторларини ҳам қўлга олди.

Газетада ёзилишича, кейинги пайтда Эронда бир неча «танишув сайтлари» ёпилган.

Олий Кенгаш эса махсус давлат комиссияси тузди. Комиссияга ноқонуний сайтларни аниқлаб, улар рўйхатини Алоқа вазирлигига тақдим этиш топширилди.

Дарвоқе, шу кунларда Эронда Интернетдан фойдаланувчилар икки миллионга яқин (тахминан аҳолининг уч фоизи). Мамлакатда 20 га яқин провайдерлар фаолият юритмоқда.

Тегишли тавсиялар қабул қилинди

Тошкент молия институтида «Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари» — мавзусида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Семинар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Сўзга чиққанлар «Ўзбекистон иқтисодиётида монополияларнинг ўрни ва давлатнинг антимонопол сиёсати», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги қонунчилик ва уни амалга ошириш механизмлари», «Монопол фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси ва унинг Ўзбекистондаги хусусияти» сингари яна бир қатор мавзуларда атрофлича фикр юритдилар.

Анжуман давомида бўлиб ўтган мунозаралар ва билдирилган мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Умиджон САТТОРОВ

● ШЕЪР ВА ШУУР

Бағри баҳор Ўзбекистоннинг

Бизнинг Ватанда

Кафтингизда ичинг сувлари тоза,
Нориннинг авжидан кетган овоза,
У ўтган ҳовлилар гулзор озода,
Дарёлар оқади бизнинг Ватанда.

Ҳатто қишлоғи ҳам шаҳарга ўхшар,
Буғдой нонин таъми асалга ўхшар,
Келгувчи меҳмонга маҳталга ўхшар,
Меҳмоннавозликлар бизнинг Ватанда.

Гулларин таърифин айтсам тонг отар,
Булбул овозлари элни уйғотар,
Баланд тоғларида ой, қуёш ботар,
Жаннатнинг макони бизнинг Ватанда.

Бу юртнинг қизлари моҳтоб бўлади,
Аёлининг юзи офтоб бўлади.
Момосининг сўзи китоб бўлади,
Зукколар яшайди бизнинг Ватанда.

Ҳунармандлар ҳар кун атлас тўқийди,
Бола ой нурида китоб ўқийди.
Ҳабиб Саъдуллалар шеърлар тўқийди,
Машраблар туғилган бизнинг Ватанда.



Сенда тарих кўзлари бор,
Амир Темур излари бор,
Нодирадай қизларинг бор,
Менинг бахтим, жон онажон
Бағри баҳор Ўзбекистон.

Амударё оқаверар,
Сирдарё ҳам шошаверар,
Менинг кўнглим тошаверар,
Қалби дарё, эй, онажон,
Бағри баҳор Ўзбекистон.

Куйлаб ўтай

Қаерга кетсам ҳам қайтиб келаман,
Соғинч қўшиғини айтиб келаман.
Кўзимнинг ёшини артиб келаман,
Бағрингга оласан, Ватаним онам.

Боғи Эрамларга алишмам чўлинг,
Уммонларга бермам дарё-ю кўлинг.
Сен томон элтади сўқмоғу йўлинг,
Тенгингни кўрмадим, Ватаним онам.

Ерга томган киндик қоним шундадир,
Отам деб бўзлаган оним шундадир.
Фариштадай онам — жоним шундадир,
Иймондай азизим, Ватаним онам.

Дилбар ҲАЙДАРОВА,
Наманган шаҳри.

Навоийда шодиёналар

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари қатори Навоий вилоятида ҳам Наврўз тантаналари бошланиб кетди. Кармана, Нурота кенгликларидан кўчган айём шукуҳи вилоятнинг саноатчилар, кимёгарлар, нурчилар шаҳри бўлмиш Зарафшон, Зафаробод, Учқудуққа, шунингдек, Хатирчи, Қизилтепа, Навбаҳор туманларига ҳам кўчди. Сайилгоҳлар, маҳалла гузарларида байрам муносабати билан кўрик-танловлар, беллашувлар ўтказилаётир.

— Шаҳримизнинг мавжуд 27 та маҳалласида Наврўз сайиллари қувонч билан нишонланмоқда, — дейди Навоий шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов. — Айниқса, «Энг сариштa хонадон», «Энг яхши пазанда», «Энг чаққон ҳунарманд», «Энг яхши бадиий даста» танловлари байрам кўркига янада кўтаринкилик бағишламоқда.

Музаффар ШАРОПОВ

Наврўз шукуҳи

Шаҳар марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари қадим байрам тайёргарлигига уйғунлашиб кетган. Кетма-кет ўтказилиши режалаштирилаётган Шарқ тароналари IV Халқаро мусиқа фестивали ҳамда «Универсиада — 2004» спорт мусобақаларига ҳам Самарқанд аҳли қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Қутлуғ айём муносабати билан шаҳардаги Ҳ.Олимжон номли мусиқали драма театри майдони ва унинг атрофида катта халқ сайли ўтказилади. Наврўз таомлари шу жойнинг ўзида тайёрланиб, миллий удумларимизга хос ўйинлар, барча соҳага оид кўргазмалар ташкил этилади. Шунингдек, спорт мусобақалари бўйича кучлилар беллашуви намойиш қилинади. Шаҳарнинг Марказий истироҳат боғи билан туташ жойлашган «Мўъжиза» амфитеатрида байрам шодиёналарининг тантанали бадиий қисмига республикамизнинг таниқли санъат юлдузлари ташриф буюришиб, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга ҳақиқий байрам кайфиятини улашади.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

● ТАФСИЛОТ

48 соат ичида

ЛАВОЗИМНИ ТОПШИРИБ, МАМЛАКАТДАН ЧИҚИБ КЕТИШИ ТАЛАБ ҚИЛИНДИ. АКС ҲОЛДА...

Бутун дунё аҳли вужудини кўз ва қулоққа айлантириб, айнан Ироқ муаммоси юзасидан вужудга келаётган вазиятни синчковлик билан кузатиб бормоқда. Бугун Ироқ муаммоси ўта таранглигидан «ип» узилиш арафасига келиб қолганлигини барча ҳис қилиб турибди. Вазиятнинг давоми нима билан тугашини тасаввур қилиш...

Гап шундаки, 18 мартга ўтар кечаси (бизнинг вақтда) АҚШ Президенти Жорж Буш мамлакат телевидениесида чиқиш қилиб, Америка халқига мурожаат этди, дея хабар беради CNN телекомпанияси. Мурожаатда АҚШ Президенти Ироқ раҳбари Саддам Ҳусайн ва унинг ўғиллари лавозимдан воз кечиб, мамлакатни 48 соат ичида тарк этишлари ҳақида ультиматум эълон қилди.

«Саддам Ҳусайн ўз лавозимида турар экан Америка халқига ва бутун башариятга хавф кучайиб бораверади. Шунинг учун биз ўз хавфсизлигимиз йўлида чора кўришга ҳақлимиз» дейилади мурожаатда.

Президент Буш шуни алоҳида таъкидлаб, Ироқ халқига мурожаат этдики, бўлажак ҳарбий операция Ироқ халқига қарши эмас, балки Саддам Ҳусайн тузумига қарши қаратилганлигини, бу тузумнинг қуролсизланиши 12 йилдан ортиқ вақт кутилганлигини уқтирди.

Мазкур мурожаатга ва Саддам Ҳусайн тузумига қарши ҳарбий операция ўтказилишига дунё жамоатчилиги қандай муносабат билдирмоқда? Аввало бу борада фикрлар, муносабатлар турлича эканлигини айтиш лозим. Жумладан, Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, Япония Бош вазири Дзюньитиро Коидзуми бу масалада АҚШ сиёсатини қўллаб-қувватлашини билдирди. BBC News эса сешанба куни кечқурун Буюк Британия парламентининг қуйи палатаси мамлакат Бош вазирининг Ироқ масаласи бўйича тутган йўлини — АҚШни қўллаб-қувватлашини маъқуллагани ҳақида хабар тарқатди. Шунингдек, Австралия билан Латвия ҳам АҚШ билан фикрдош. Австралия бўлажак ҳарбий операцияда бевосита иштирок этишга қарор қилган бўлса, Латвия бош вазири Эйнарс Репше коалицияга ёрдам бериш учун ўзининг махсус бўлинмасини Ироққа жўнатишга тайёр эканлигини билдирди. АҚШнинг асосий иттифоқчиси бўлмиш Испания эса ультиматум муддати тугагач, вазият тақозосига кўра эълон қилиниши мумкин бўлган урушда асосий кучлар таркибида қатнашмайдиган бўлиб турибди. Фақат техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатиши мумкинлигини уқтирди. Бу ҳақда Испания Бош вазири Хосе Мария Аснар берган баёнотга асосланиб Associated Press агентлиги ахборот тарқатди. Бош вазирнинг қайд этишича, ҳарбий операцияда иштирок этадиганлар сони 900 дан ошмайди. Улар қурол-яроғлар бўйича экспертлар, шифокорлар ва кимёвий қуроллар бўйича мутахассислардир.

Австралия ташқи ишлар вазири Александр Даунер эса Ироқнинг Австралиядаги элчиси ва унинг барча ходимлари мамлакатдан чиқиб кетишлари учун 5 кун муҳлат берилганлигини маълум қилди. Ироқдан эса кўпгина давлатлар ўз элчиларини чақириб олиши давом этмоқда. Хусусан, Франция ва Грециянинг Бағдоддаги элчилари вақтинча Иорданияга кўчиб ўтишган бўлса, Португалия ҳам ўз фуқароларини чақириб олди. Фақат журналистларгагина Ироқда қолишга рухсат этилди. Шунингдек, Канада Ташқи ишлар вазирлиги ҳам фуқароларига Қувайтни тезда тарк этишларини уқтирди. Умуман, кўпгина давлатлар ўз фуқаролари ва элчиларини чақириб олдилар. Ҳозир Ироқда фақат Россия, Куба ва Ватиканнинг дипломатик миссиясигина иш олиб бормоқда.

АҚШ Президентининг ультиматумидан сўнг Ироқда текшириш олиб бораётган БМТ инспекторларининг 80 нафари Бағдоддан чиқиб кетдилар ва Кипрнинг Ларнак шаҳридаги БМТ базасига жойлашдилар.

Юқорида АҚШнинг Ироққа нисбатан юритаётган сиёсатига жаҳон жамоатчилигининг муносабати турлича бўлаётганлигини айтиб ўтган эдик. Ҳақиқатан ҳам бу борада АҚШни қўллаб-қувватлаётганлар билан бирга, уни қўлламаётганлар ҳам бор. Хусусан, Европа Иттифоқи ҳукумати — Еврокомиссия ва Канада бу борада ўзгача фикр билдирмоқдалар. Яъни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорисиз ҳарбий операция бошланишига қарши чиқиб, БМТ инспекторлари иши давом эттирилиши лозимлигини уқтирмоқдалар. Франция ҳам аввал шундай фикрда эди. Бироқ, дейилади CNN ахборотида, агар Саддам Ҳусайн коалиция кучларига қарши кимёвий ёки биологик қуролни қўлласа, Франция Ироққа нисбатан ўз муносабатини бутунлай ўзгартиради ва АҚШга кўмак беришга тайёр туради. Бу ҳақда Франциянинг БМТдаги элчиси Жан-Давид Левитт баёнот берди. «Дунёда биророта армия кимёвий ёки биологик қуролдан фойдаланишига ҳаққи йўқ. Бу барча халқаро конвенциялар бўйича тақиқланган» деди у.

Хўш, Ироқнинг ўзи ультиматумга қандай муносабат билдирди?

Американинг Associated Press ахборот агентлиги берган маълумотларга кўра, Ироқнинг олий ижроия органи бўлмиш Инқилобий қўмондонлик кенгаши ва «Баас» партияси раҳбарияти ҳамкорликда ўтказган мажлисда бу масала юзасидан баёнот қабул қилиниб, расмий жавоб йўлланган. «Ироқ ўз йўлини Вашингтон, Лондон ёки Тель-Авив кўрсатмаси бўйича танламайди» дейилади баёнот матнида. Буни АҚШ Президентининг матбуот котиби Ари Флейшер «Саддам Ҳусайннинг сўнгги хатосидир» дея баҳолади. Унинг айтишича, агар Саддам Ҳусайн энди ультиматумни қабул қилган тақдирдаям иттифоқчилар коалицияси Ироқда оммавий қирғин қуроллари бор-йўқлигини аниқлаш учун барибир қидирув ишларини ўтказадилар.

Демак, шу нарса аёнки, вазият ўта таранглашгандан таранглашиб бормоқда. Буни Ироқнинг режаси ҳам тасдиқлаб турибди. CNN телекомпанияси АҚШ маъмурияти расмий вакили ва Марказий разведка бошқармаси берган манбаларга таяниб хабар беришича, Ироқ АҚШ қўшинларига қарши кимёвий қурол қўллашни режалаб турибди. Ҳатто Ироқ ўзининг ҳарбий бўлинмаларига қандайдир кимёвий қурол етказиб берганлиги ҳақида ҳам маълумотлар тарқалмоқда.

Қисқаси, энди Ироқни бу йўлдан — оммавий қирғин қуроллари ишлатилишидан тўхтатиб қолиш муаммоси дунё олдида кўндаланг бўлмоқда.

Дарвоқе, кеча АҚШнинг Форс кўрфазидаги энг яқин иттифоқчиларидан бири бўлмиш Саудия Арабистони раҳбарияти урушнинг олдини олиш мақсадида Ироқ Президенти ва унинг оиласи учун хавфсизлиги кафолатланган сиёсий бошпана беришга тайёр эканлигини расмий эълон қилди. Бу таклифни қабул қилиш ё қилмаслик Саддам Ҳусайн ва унинг икки ўғли ихтиёрига боғлиқ.

Алимқул СУЛТОН

Аэропортларда назорат кучайтирилган

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида террорчилар томонидан содир этилган фожиалардан сўнг АҚШ ҳукумати шундай хулосага келган эдики, аэропортлардаги хусусий қўриқлаш хизмати ўз фаолияти давомида умуман ишончни оқламаган. Шунинг учун ҳам 2001 йил ноябрь ўрталарида транспортда хавфсизликни таъминлаш бўйича бошқарма тузилди ва унинг 47 минг кишилик ходими миллий аэропортларга бўлинди.

Associated Press агентлиги берган маълумотларга кўра, мазкур бошқарма ходимлари 2002 йил февралдан шу йил февралгача бўлган даврда АҚШнинг 429 та аэропортида йўловчилардан ҳаммаси бўлиб, 4,8 миллионта тақиқланган буюмларни олиб қўйган. Буларнинг 1101 таси пистолет, 1,4 миллионтаси пичоқ, 40 мингта қоғоз кесиш анжоми ва бошқа ўткир предметлардан 2,4 миллионта, шунингдек, 15666 та дубинка, 125 мингта яқини тез ёнувчи буюм ва моддалар бўлиб, уларнинг барчаси самолёт салонида олиб юриш қатъиян ман этилган. Бундан ташқари, йўловчилар водопровод қувурларини, от тақаларини, циркуляр арраларни салонга олиб ўтишга уринганлар.

Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси берган маълумотларга кўра, полиция 922 кишини қамоққа олган. Бироқ уларнинг қанчаси айбли деб топилиб, озодликдан маҳрум этилгани номаълум. Чунки бу ҳақдаги маълумотлар ҳали ошкор этилмаган.

Бошқарманинг матбуот котиби Брайан Термэйлнинг айтишича, бугунги кунда аэропортларда назорат кучайтирилган тартибда олиб борилмоқда ва бу борада янги-янги технологиялар амалга жорий этилмоқда.

Пора олгани учун

Яқинда Бразилиянинг жанубий ҳудудида жойлашган Парагвай билан чегарадош Фоз шаҳрида бирданига полициянинг 24 нафар зобити қамоққа олинди.


Полиция вакилининг Reuters агентлиги журналистига берган интервьюсида айтишича, улар катта-катта пора эвазига контрабанда товарларини — қурол, алкоголь ичимликлари, гиёҳванд моддалари, автомобиль ва бошқа техникаларни чегарадан ўтказиб юборишган.

Порахўрликка қарши ўтказилган мазкур операция кейинги йилларда Бразилияда ўтказилган энг йирик операциядир.

Дарвоқе, полиция зобитларидан ташқари бир неча божхоначилар ва контрабанда билан шуғулланувчилар ҳам қўлга олинган.



Польша. Шчецин шаҳри кўчаларида.



Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

сеҳқуёш Ўзбекистон аҳолисини НАВРЎЗ байрами билан самимий муборакбод этади!

Наврўз уйғониш ва янгиланиш тимсолидир. Бунда ҳар биримиз табиатнинг бетакрор улуғворлиги ва гўзаллигини янгича ҳис қиламиз, қалбимизда тоза умид ва орзулар куртак очади.

Ушбу байрам арафасида «Ўзсаноатқурилишбанк» республикамиз аҳолисига қулайлик яратиш ҳамда маиший хизмат ва бошқа тўловлар учун ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида «Маиший хизмат тўловига» деб номланган 2 йиллик муддатли омонат турини таклиф қилади.

Мазкур омонат турига пул маблағлари аҳолидан 2 йил муддатга қабул қилиниб, йиллик 50 фоиз даромад ҳисобланади, ҳар ойда ҳисобланган фоизлар омонатчининг топшириғига асосан унинг маиший хизмат ва бошқа тўловларига нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан банк томонидан ўтказилади.

Ўз жамғармаларингизни «Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланг ва ҳисобланган юқори даромаддан маиший ҳамда бошқа турдаги тўловлар учун ҳисоб-китобларда банк хизматидан фойдаланиб, қимматли вақтингизни тежанг!

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-24, 133-34-45

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

ватандошларимиз ва юртимиз меҳмонларини ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат ва эзгулик тимсоли —

НАВРЎЗ

байрами билан табриклайди.



Шу мусаффо Наврўз тонгида барчангизга ҳурмат-эҳтиромимизни билдирган ҳолда суюкли Ватанимизда тинчлик, халқимиз ҳамиша омон бўлишини, йилимиз қутлуғ ва омадли келишини Аллоҳдан тилаб қоламиз.

Жонажон Ўзбекистонимизни файзу барака, шону шуҳрат тарк этмасин!



Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

● АЙЁМ АРАФАСИДА

Олис-олислардан келган...

КЎНГИЛГА ЯҚИН ГАПЛАР

Ер кўклади, осмон ёришди. Наврўз нигоҳи ҳар бир гиёҳда... Яна ниманидир нафаси бор ҳавода. Йўл четларида бош кўтарган майсалар хотирангни уйғотади. Умр ортга қайтмайди, тўғри. Лекин баҳорлар гуллайверади, кузлар тўкилаверади. Ҳаёт такрорларга тўла китоб, дегани шу бўлса керак-да. Дейлик, бундан 30 йил илгари ва шу бугун гуллаган ўрикнинг орасида нима фарқ бор. Ўша-ўша пушти ранг, ўша-ўша таниш ис... Лекин нимадир азалий бўлса, унинг қадри шунча баланд бўлади, шу ҳисобда қадрдон кишиларнинг ҳам...

Кеча Қарши туманининг Кўчкак қишлоғида яшовчи қадрдонларимиздан Ҳошим бува Қосимов қўнғироқ қилдилар. Содда, самимий инсон.

— Бир келмайсизми, — деди у салом-аликдан сўнг, — ҳамма жой кўм-кўк, даштларга чиқардик, исмалоқ ғуж-ғуж кўкариб қолган.

— Исмалоқ шу ерда ҳам бор, бозорда сотишади.

— Эй, укам-ей, бозорда сотгани бошқа. Қўл билан терганга етмайди. Буни гашти бошқача-да...

Ҳақиқатдан бунга не етсин. Ҳошим буванинг бу гаплари менга бегонамас. Бир нималар эсимга келди, болалик хотиралари бўлса керак-да...

Эртаси куни эрталаб Қаршидан, вилоят банкларидан бирида ишлайдиган синфдош дўстим — Бахтиёр сим орқали хабарлашди:

— Келаётган байрам билан, қачон энди бу томонлая...

— Ёзда...

— Ёзга келишингни биламан, «отпуска»га чиқасан. Унгача келиб кетгин. Болла (синфдошларни назарда тутяпти) билан сани баҳона қилиб «маёвка» уюштирардик. Ҳамма бўлади. Ойбек, Соҳиб, Шуҳрат, Зоир, Худойберди, Тўра, Мардон, Абон... ўзимизни оғайнилар. Синфдош қизларниям таклиф қилиб кўрамиз... Қисқаси, ҳаммаларини кўриб кетасан.

— Хўп бўпти, келишдик!

Кечга яқин она қишлоғимдан қўнғироқ бўлди. Жиянларимдан бировнинг овози:

— Ака, тўтам (буви дегани) Сиз билан гаплашмоқчилар. Ҳеч қанча вақт ўтмай хаста, хорғин товуш эшитилди:

— Болаларинг яхшими, димоғинг чоғми? Мен эсингдан чиқдимми, бир кўриб кетаям демайсан? Даданг, онанг бўлсайди...

— Ҳа, энди... бораман.

— Майли, қаерда юрсанг-да жонинг соғ бўлсин... Қиш ўтди, дарагинг бўлмади. Энди кегин. Момотелпак (қоқигул), исмалоқ, пидина (ялпиз)га оғзинг тексин, ахир. Янгаларинга айтаман тандирга бичай (пичак) ёпиб беради. Болаларинггаям обкетайдинг, уф-фф... Маҳар амманг сумалак билан ҳалим қилармиш... Наврўз, наврўз деб ҳозирдан тараддуд. Ҳашар қилишяптила. Хут-барака-да. Энди тезроқ уруғини экиб олсин омон бўлгурлар. Шуни газетанга ёзгин...

— Майли ёзаман, мана. ёзаяпман...

Илҳом КАРОМОВ

● КУРАШ



ТЕРМИЗ полвонларни кутмоқда

Термиз шаҳрида кураш бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира совриниучун ўтадиган VI халқаро турнир бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Юртимиз полвонлари ва мутахассислар ушбу нуфузли мусобақага катта ҳозирлик кўришмоқда.

Халқаро Кураш ассоциациясидан олинган маълумотларга қараганда, турнирда сайёрамизнинг беш қитъасидан йигирмадан ортиқ давлат полвонлари иштирок этиш ниятида эканликларини билдиришган. Улар орасида Англия, Голландия, Бразилия, Россия, Япония, Германия, Эрон, ЖАР, Канада сингари мамлакатларнинг номдор курашчилари бор.

— Нуфузи йилдан йил ошиб бораётган мазкур турнирда юртимиз полвонлари бир неча таркиб билан қатнашади, — дейди Ўзбекистон кураш Миллий федерацияси бош котиби Аббос Тўйчибоев. — Шунингдек, Сурхон воҳаси курашчилари ҳам алоҳида таркибда гиламга чиқишади. Мезбонлар шу мақсадда Сурхондарё вилоятида бир неча босқичдан иборат мусобақалар ташкил этиб, турнирда қатнашадиган полвонлар номларини аниқлашди. Ишқибозларга беллашувларда чиройли ва ажойиб ғалабалар ҳадя этишни кўзлаган спортчиларимиз бу мусобақага қадар 21-22 март кунлари Россиянинг Тверь шаҳрида бўладиган халқаро турнирда ўз тайёргарликларини яна бир синовдан ўтказиб олишади.

Осиёдаги энг йирик мусобақа саналган Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира совриниучун ўтадиган халқаро турнир 3 апрелда бошланади. Беллашувлар одатдагидек Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳида ўтказилади.

● ФУТБОЛ

«Пахтакор» — «Қўқон-1912» — 5:1

Олий лига жамоалари мамлакат XII миллий чемпионати ўйинларини бошлашди. Дастлабки турда «Бухоро» — «Цементчи», «Андижон» — «Дўстлик» жамоалари учрашувларини ҳисобга олмаганда барча баҳсларда майдон эгалари зафар қучдилар.

Илк ўйинни ўз майдонида «Қўқон-1912» футболчиларига қарши ўтказган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси йирик ҳисобда ғалаба қозонди — 5:1. Тўпларни пахтакорчилардан Сервер Жепаров (иккита), Владислав Кирьян, Бахтиёр Ҳамидуллаев, Жафар Ирисметов ҳамда Шуҳрат Юсупов («Қўқон-1912»)лар киритди.

Олий лига дебютанти Қувасойнинг «Цементчи» жамоаси Бухорода чиройли ўйин намойиш этиб, ғалабага тенг дурангга эришди — 1:1. Учрашувда ҳисобни қувасойликлар ҳужумчиси Ёдгор Акбаров очди. Фақаттина иккинчи бўлим охирларида Шуҳрат Файзиев томонидан киритилган жавоб тўпи «Бухоро»ни мағлубиятдан сақлаб қолди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Насаф» (Қарши) — «Сурхон» (Термиз) — 3:0, «Андижон» (Андижон) — «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — 1:1, «Нефтчи» (Фарғона) — «Гулистон» (Гулистон) — 4:0, «Навбаҳор» (Наманган) — «Машъал» (Муборак) — 2:0, «Трактор» (Тошкент) — «Металлург» (Бекобод) — 1:0, «Самарқанд-Д» (Самарқанд) — «Қизилқум» (Зарафшон)— 1:0.

Иккинчи тур ўйинлари 23 март куни бўлиб ўтади.

Бошқа муддатга кўчирилди

Хабарингиз бор, шу йил 25 март — 16 апрель кунлари Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилиши белгиланганди. Бу нуфузли мусобақага Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам йўлланмани қўлга киритган.

Ироқ билан боғлиқ сиёсий аҳволни инобатга олиб, ФИФА ташкилий қўмитаси Цюрихда йиғилиш ўтказди ва Халқаро футбол уюшмаси президенти Йозеф Блаттернинг ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини кечроқ муддатга кўчириш таклифини қўллаб-қувватлади. Блаттернинг фикрича, мусобақа қатнашчилари хавфсизлиги учун қайғуриш барча нарсадан муҳим ҳисобланади. Албатта, ФИФА бу қарорни қабул қилгани учун БАА ҳукумати ҳамда маҳаллий ташкилотчилардан узр сўрайди. Чунки, мезбонлар чемпионатни бошлаш учун барча ишларни маромига етказишган. Бироқ, Халқаро футбол уюшмаси учун футболчилар, расмий вакиллар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, томошабинларнинг хавфсизлиги катта аҳамият касб этади. Шуларни ҳисобга олиб, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати кечроқ муддатга кўчирилди.

Энди бу йирик мусобақа шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ўтказилиши кутилмоқда.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бирикkан куч — куч, бирикмаган куч — пуч

Инсон якка ўзи, жамиятдан ажралган ҳолда яшай олмайди. Халқимиз ўзининг бир қанча мақолларида кишига жамият билан, кўпчилик билан бирга бўлиш зарурлигини уқтиради, кўпчиликнинг, жамоанинг куч-қудрати қанчалар буюклигини, жамоадан ажралиш, якка-ёлғиз яшаш эса ёмон оқибатларга олиб боражагини ажойиб тамсиллар орқали кўрсатади: «Бир таёқни синдириб бўлади, ўн таёқни букиб ҳам бўлмайди»; «Бир киши — бир, Икки киши — шер»; «Эр бирлиги билан кучли, Шер — билаги билан»; «Икковга биров ботолмас, Отликка яёв етолмас»; «Бешнинг боши бўлгунча, олтининг оёғи бўл», «Бир оғиздан сўз чиқар, Бир ёқадан бош чиқар»; «Бирлашиб дарё бўлур, Тарқалиб ирмоқ бўлур»; «Тоғдан оққан ирмоқлар, Қўшилиб дарё бўлур, Қўл беришса ўртоқлар, Бир бўлиб дунё бўлур»; «Ариқдан анҳор бўлур, Дарёдан — денгиз»; «Куч — бирликда»; «Бирлашган куч енгар»; «Тарқоқлик йўқ бўлса, Душманга ўқ бўлар»; «Кўплашган ёвни қайтарар»; «Кўп ботирдан ёв кетар, Кўп чечандан дов кетар»; «Чивин бирлашса, филни ҳолдан тойдирар»; «Чумоли бирикса, шерни йиқитар»; «Уюр қўйдан бўри ҳам қўрқар»; «Ҳамжиҳатлик — давлат, Ёлғизлик — кулфат»; «Бойлик — бойлик эмас, Бирлик — бойлик»; «Бирлашган ўзар, Бирлашмаган тўзар».

Бетга айтганнинг заҳри йўқ

«Агар биров сенинг айбингни, камчилигингни тўғри юзингга айтса, бундан хафа бўлма, ундан гина ҳам қилма, чунки, унинг бу гапи сенга фойдадан холи бўлмайди. Айбингни ўзингга айтмай, орқангдан бировларга айтса — бу ёмон, бунинг учун ундан ҳар қанча хафа бўлсанг арзийди», дейилмоқчи.

Билса — ҳазил, билмаса — чин

Баъзи одамнинг қўли эгри бўлиб, бир ерга борганда ё бировнинг уйига кирганда, кўзига яхши кўринган нарсани чўнтагига уради. У: «Эгаси билиб қолса, ҳазиллашувдим, дейман, билмай қолса чиндан ҳам олиб кетаверараман», деган хаёлда тавакkалига шундай қилади. Мазкур мақолни шундай одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Бир бошоқ дон — бир сават нон

Мазмуни: Доннинг бирор бошоғини ҳам ерда қолдирма, нобуд қилма. Бир бошоқ донни эксанг, унинг ҳосилидан бир сават нон бўлади.

Ўзбек фильмининг муваффақияти

Санкт-Петербург яқинидаги Гатчина шаҳрида IX «Адабиёт ва кино» фестивали бўлиб ўтди. Унда режиссёр Юсуф Розиқов фильми бир неча совринларга сазовор бўлди.

Режиссёр Гатчинага кела олмади. Картинани унинг дўсти — актёр ва иккинчи режиссёр Фотиҳ Жалолов тақдим этди. Айнан унга «Культура» газетаси вакиллари фестивалнинг «Кутилмаган материалда кичик инсон образини яратишда адабий анъаналарга риоя қилгани учун» махсус соврини ва дипломини топширди.

Ушбу мукофотлардан ташқари «Ўртоқ Бойкенжаев» фильми анжуман ҳайъати томонидан «Барча нарсани, ҳатто воқеликни ҳам енга оладиган ҳажвия учун» ва Россия кинотанқидчилар уюшмаси дипломлари билан ҳам тақдирланган эди.

«Ўртоқ Бойкенжаев» фильми Боку шаҳрида ўтказилган халқаро «Шарқ-Ғарб» кино анжуманида ҳам муваффақиятли намойиш этилган эди.

Кино соҳасининг етук мутахассислари фикрича, «Ўртоқ Бойкенжаев» фильми шу йилги МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларида яратилган энг яхши фильмлар учун топшириладиган «Ника» мукофотининг асосий номзодларидан бири бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда Юсуф Розиқов ўзбек кинорежиссёрларининг кўзга кўринган намояндаларидан биридир. Унинг фильмлари қатор халқаро фестивалларсовриндори бўлган.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон»АА


«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
«НАВОИЙ ПОЧТАСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

бунёдкор Ўзбекистон халқини НАВРЎЗИ ОЛАМ шодиёнаси билан табриклаётганидан беҳад мамнун.

Озод Ватанимиз мустақиллик йилларида асрга татигулик тарихий йўлни босиб ўтганини барчамиз дилдан ҳис қиламиз. Юртдошларимиз шу давр мобайнида машаққатли синовлардан ўтиш баробарида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор ҳиссини дилга чуқур ва теран қилиб туйди. Бунинг далили келажагимиз бўлмиш ёшлар тафаккури кенгликларида намоён бўлмоқда. Шубҳасиз эртамиз бугундан-да саодатли бўлади. Бунга ишонч қатъий.

Азиз юртдошлар!
Барчангизни НАВРЎЗИ ОЛАМ билан қутлар эканмиз, юртимизга тинчлик, оилаларга тотувлик доимо ҳамроҳ бўлишини тилаймиз. Ватан узра Озодлик ва Ҳурлик қуёши мангу порлайверсин. Муқаддас юртимиз шуҳрати янада зиёда бўлсин!





Фазилжон ОРИПОВ тузди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд — тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси тиббий криминалистика бўлими мудири С.З.Райимовга волидаи муҳтарамаси

Башорат РАЙИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-47-80, 133-38-55 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDYLLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 247

16178 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA